Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ЖУМОД АЛ-АВВАЛ, 20-КУН. ● ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, ҚАВС, 9-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган. 1991 йил 27 ноябрь, чоршанба, 229-сон

НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН, СОТУВДА 10 ТИЙИН.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи

(Схематик тасвири)



Ўзбекистон Республикасининг қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг схематик ва рангли тасвири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Республика давлат суверенитетининг рамзидир.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро майдонда Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлади.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи — байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан таркиб топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир.

Байроқнинг узунлиги 250 сантиметрга, кенглиги 125 сантиметрга тенг. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангли энларнинг кенглиги бир хил. Ҳар бир эн 40 сантиметрга тенгдир. Байроқнинг ўртасидаги оқ рангли эннинг четларидан кенглиги 2,5 сантиметрга тенг қизил ҳошиялар ўтказилган.

Байроқнинг юқори қисмидаги мовий рангли эннинг юз томони ва орқа томонида дастага яқин жойида оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган.

Янги ой ва юлдузларнинг тасвири мовий рангли юқори эннинг ўртасидан 70х30 сантиметрга тенг тўғри тўртбурчакка сиғадиган қилиб жойлаштирилган.

Янги ой вертикал ҳолатда дўнг томони дастага қаратилган, дастадан 20 сантиметр масофада жойлаштирилган бўлиб, диаметри 30 сантиметрли доирага сиғади.

Юлдузлар диаметри 6 сантиметрли доирага сиғади. Доиралар орасидаги масофа 6 сантиметр. Юлдузлар узунасига ва тиккасига қуйидаги тартибда жойлашади: юқори қаторда учта, ўрта қаторда тўртта ва қуйи қаторда бешта юлдуз. Қуйи қатордаги юлдузлар янги ойнинг пастки учидан 3,5 сантиметр масофада жойлашади.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи:

1) доимий суратда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг аппарати биносида:

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг биносида:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг биносида:

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ва ҳукумати биносида:

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари маҳаллий советлари биносида:

Ўзбекистон Республикаси доимий ваколатхоналари биносида:

2) халқ депутатлари советларининг сессиялари ўтказилаётган биноларда ва уйларда—бутун сессия давомида;

3) Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган байрам кунларида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, давлат комитетлари ва идоралари, бошқа давлат ва жамоат идоралари биноларида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, шунингдек турар жой биноларида;

4) Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари, республика халқ депутатлари маҳаллий советлари депутатлари сайлови кунларида ёки референдум кунларида — овоз бериш ўтказилаётган биноларда ва уйларда;

5) Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия, савдо ваколатхоналари ва консуллик муассасалари биноларида ва ҳаракатланиш воситаларида — дипломатия протоколининг халқаро қонун қоидаларига мувофиқ;

6) чет элдаги республикага қарашли бўлган, расмий шахслар сифатида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси, Ўзбекистон Республикасининг ташқи ишлар вазири, Ўзбекистон Республикасининг мудофаа ишлари вазири — Миллий гвардия қўмондони, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ва консуллик ваколатхоналарининг бошлиқлари тушган денгиз кемаларида ва дарё кемаларида ва бошқа ҳаракатланиш воситаларида;

7) Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг фармойишига мувофиқ;

8) республиканинг давлат ва жамоат идоралари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган тадбирларда;

9) спорт майдонларида — Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари ва биринчиликларини, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш чоғида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг спорт терма командаларидан вакил бўлган халқаро мусобақа ғолибларини мукофотлаш муносабати билан маросимлар ўтказиш вақтида кўтарилади.

6-модда. Ушбу қонуннинг 5-моддаси 3-бандида кўзда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи соат 6 да кўтарилади ва соат 22 да тушириб қўйилади, 5-модданинг 4-бандида кўзда тутилган ҳолларда эса овоз беришни ёки референдумни ўтказиш даврида кўтариб қўйилади.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда бошқа давлатнинг байроғи кўтарилса, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинонинг олд томонига қараб турганда) ўнг томондан, бошқа давлатнинг байроғи чап томондан кўтарилмоғи керак.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда бир қанча давлатларнинг байроқлари кўтарилганида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи алоҳида, қолганлари эса ўзбек алфавити бўйича кўтарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи бошқа давлатларнинг байроқлари билан бир хил баландликда жойлаштирилиши керак.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи биноларнинг асосий кириш жойида ёки бунинг учун мақбул бўлган бошқа жойда, ёхуд тегишли тутқичи бўлган дастада, ё бўлмаса флагштокда байроқнинг дастаси бинонинг олд томони билан кўпи билан 45 градусли бурчак ҳосил қиладиган тарзда кўтарилади.

Кўтариб қўйилган Давлат байроғининг матоси ердан камида 2,4 метр баландликда бўлиши керак.

9-модда. Мотам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи мотамга мослаб кўтарилади. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи дастаси ёки флагштокнинг юқори учига байроқ энининг 1/20 қисмига тенг бўлган кенгликдаги қора тасма боғланади, тасманинг икки учи байроқнинг бутун эни узунлигида осилиб туради.

Байроқ мотам муносабати билан флагштокда кўтарилган тақдирда у флагшток узунлигининг 1/3 бўлагича тушириб қўйилади.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва унинг тасвири каттакичиклигидан қатъи назар, ҳамма вақт ушбу қонунга илова қилинаётган рангли ва схематик тасвирига аниқ мос бўлиши керак.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар биноларида кўтариш чоғида ушбу қонунда баён этилган талабларга риоя қилиниши учун масъулият уларнинг раҳбарлари зиммасига, байроқ турар жой биноларида кўтарилган вақтда эса уларнинг эгалари ёки уйлардан фойдаланишни ташкил этиш топширилган мансабдор шахслар зиммасига юклатилади.

12-модда. Ушбу қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиб бориш халқ депутатлари маҳаллий советлари ижроия комитетларига ва Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатия ваколатхоналарига юклатилади.

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини беҳурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 18 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)НИНГ 107-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 107-моддаси иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонун лойиҳалари тақдим этиш ҳуқуқига Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳам эга».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 20 ноябрь.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

● Тожикистон Олий Кенгашининг раиси, 61 яшар Раҳмон Набиев якшанба куни бўлиб ўтган умумхалқ сайловлари натижасига кўра республика Президенти лавозимини эгаллайди. Дастлабки маълумотларга қараганда, у сайловда қатнашган фуқароларнинг 56,92 фоиз овозини олган.

● **СССР Президенти М. Горбачев Чехословакия Федерал кенгашининг раиси А. Дубчекка 70 ёшга тўлганлиги муносабати билан табрикнома йўллади. Қутловда А. Дубчекнинг Чехословакияни янгилашдаги ўрнига катта баҳо берилади, юбилярга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, узоқ-умр кўриш истаги билдирилади.**

● «Ҳар икки томондан жуда жиддий ва ошкора суҳбатлар бўлди», — деб баҳолади стратегик барқарорлик масаласи бўйича Совет—Америка маслаҳатлашувлари якунларини шарҳлаган совет делегацияси раҳбари Александр Яковлев. Маслаҳатлашувлар АҚШ ва СССР президентларининг розилиги билан ўтказилди ҳамда норасмий аҳамиятга молик бўлди.

● **25 ноябрда СССР ташқи алоқалар вазири Эдуард Шеварднадзе ҳамда Эрон ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий ўртасида музокаралар бошланди.**

Эрон ташқи сиёсий маҳкамасининг бошлиғи Москвага ўз мамлакати Президентининг СССР Президентига шахсий мактубини олиб келди. Ташриф дастурида Россия вице-президенти Александр Руцкой ҳамда Россия ҳукумати раисининг ўринбосари Егор Гайдар билан учрашувлар кўзда тутилган.

● Эстония ҳукумати Фуқаролик тўғрисидаги қонунни 1992 йил 24 февралдан тўлиқ ҳажмда амалга киритишни таклиф этмоқда. Қонунда кўзда тутилишича, фуқароликни бериш ҳақида ариза тушган пайтгача икки йил яшаган бўлиш, илтимосномани қараб чиқиш учун яна бир йил кутиш керак.

● **Молдова парламенти мулкни кенг кўламда хусусийлаштириш йўл-йўриғини қабул қилди.**

Мутахассислар мўлжалига қараганда, бу иш бир ярим-икки йил мобайнида амалга оширилиши керак, аммо у объектларни сотиш билан боғлиқ бўлмайди. Республикада яшаб турган ҳар бир киши «миллий бойлик улушига эга бўлади, яъни у ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

● Озарбайжонда 29 декабрда республиканинг давлат мустақиллигига доир масала юзасидан референдум ўтказилади. Олий Кенгаш жорий йилнинг 18 октябрида қабул қилинган «Озарбайжон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги конституцион ҳужжатга кўра ана шундай қарорга келди.

● **Грузияда СССР Қуролли Кучлари ҳарбий мол-мулкини эгаллаш, бузиш ёки ташиб кетишга қаратилган ҳар қандай уриниш жиноят сифатида баҳоланади. Президент З. Гамсахурдиянинг фармонига биноан ҳарбий қурол ва анжомларнинг барчаси республика мулки деб эълон қилинди. Бу ҳақда Грузия Вазирлар маҳкамаси расмий ахборот берди.**

● Душанбага ўтар тунда Жанубий Осетия ҳудудида нисбатан осойишталик бўлди. Мухтор вилоят ахборот комитети матбуот марказининг хабарига қараганда, бу Грузия жанговар кучларини қайта гуруҳлаш муносабати билан боғлиқдир. Цхинвалига янги қуролли юриш хавфи бартараф этилганича йўқ.

● **СССР мудофаа вазири, авиация маршали Евгений Шапошников МАСК командаси футболчилари — 1991 йил СССР биринчилиги ғолиблари ва СССР кубоги эгалари билан учрашди.**

(ТАСС ва марказий рўзномалар материаллари асосида тайёрланган).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ҚИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинган кундан бошлаб амалга киритилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, аввалги Давлат байроғидан у Ўзбекистон Республикасининг янги Давлат байроғи билан алмаштирилгунга қадар икки ой давомида фойдаланиш мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасига:

1991 йил 1 декабргача Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини тайёрлаш, сақлаш ва йўқ қилиб ташлаш тартибини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларини «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқлаштириш топширилсин.

4. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1974 йил 27 сентябрь фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ведомостлари, 1974 йил, № 27, 323-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1978 йил 29 июнь фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ведомостлари, 1978 йил, № 19, 323-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1981 йил 30 июль фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ведомостлари, 1981 йил, № 22, 445-модда);

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1981 йил 27 ноябрь қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ведомостлари, 1981 йил, № 33, 647-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1984 йил 11 сентябрь фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ведомостлари, 1984 йил, № 26, 382-модда);

1984 йил 3 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун актларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ведомостлари, 1984 йил, № 34, 485-модда) Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1984 йил 11 сентябрь фармонини тасдиқлашга доир қисми.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 18 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ҚОРХОНАЛАР, БИРЛАШМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҲАМДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИДАН, АЖНАБИЙ ФУҚАРОЛАРДАН ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ХУСУСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ҚЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Нарх-наво кўтарилиб бораётган шароитда республика аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва компенсация тўловларини кўпайтириш зарурлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

«Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кучга киритиш тартиби хусусида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 14 июндаги қарори қуйидаги мазмунда бўлган хатбоши билан тўлдирилсин:

«1991 йилнинг III кварталидан бошлаб корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларда асосий фаолиятда банд бўлган ишловчилар меҳнатига ҳақ тўлаш учун харажатларнинг солиқ солинадиган фойдани ҳисоблаб чиқиш учун олинадиган нормаланадиган миқдори кўпи билан 533 сўм қилиб белгилансин».

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 20 ноябрь.

ШОШИЛИНЧНОМАЛАР ОҚИМИДАН

Каттақўрғон чорвачилик комплекси жамоаси Ўзбекистон Президенти лавозимига яқдиллик билан И. А. Каримов номзодини кўрсатди. Республикадаги барча деҳқонлар ва чорвадорларни бу таклифни қўллаб-қувватлашга, Президент сайлови куни ўртоқ И. А. Каримов номзодини ёқлаб овоз беришга чақирамиз.

Комплекс жамоаси топшириғига биноан:
директор
Р. Ж. АГАБАБЯН,

касаба уюшмаси комитети раиси
Ш. ТУХТАЕВ.

* * *

Андижон вилоятининг Олтинкўл райони фаоллари ва меҳнат аҳлининг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўртоқ И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинги бўлиб ўтди. Йиғинда 500 киши қатнашди.

Сўзга чиққан Ўзбекистон халқ депутати Т. Ражабов Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини яхшилаш ҳақидаги фармонлари аҳамиятини таъкидлаб, унинг номзодини яқдил бўлиб қўллаб-қувватлашга чақирди. Митинг қатнашчилари бу таклифни бир овоздан маъқуллаб, қарор қабул қилдилар.

Халқ депутатлари Олтинкўл район советининг раиси
Н. САИДОВ.

* * *

Бухоро тиббиёт олий илмгоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатишга бағишланган митинг ўтказилди. Унда ўқитувчи ва талабалардан 350 дан ортиқ киши иштирок этди.

Митингда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши аъзоси, Бухоро тиббиёт илмгоҳи ректори А. И. Мўминов, биринчи курс талабаси О. Туликова, даволаш факультети декани У. Ҳасанов ва бошқалар сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга даъват этишди. Митинг иштирокчилари И. А. Каримов номига телеграмма йўлладилар.

ФЕРМЕР ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛАДИ

Каттақўрғон районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигида Назаровлар оиласи йил якунларига кўра 100 минг сўм соф даромад олди. Оила икки йилдан буён пахта етиштиради, даромаднинг катта қисми пахтадан олинди.

1990 йилдаёқ оиласий жамоа ҳар гектар ердан 47 центнер хом ашё етиштирган эди. Оила аъзолари бу йил тағин ҳам унумлироқ меҳнат қилишди. Улар тайёрлаш пунктига режадаги 20 тонна ўрнига 38 тонна биринчи нав пахта топширдилар. Бунинг устига бутун ҳосил жуда қисқа муддатда — йигирма кун ичида машиналар билан йиғиштириб олинди. Ишбилармон кишилар режадаги ҳосилни етиштириш учун ажратилган материаллар ва пулни ҳам тежадилар. Ана шу тежалган материаллар ва пул, шунингдек режага қўшимча топширилган пахта оила даромадига барака киритди.

Назаровлар ишлаб топган пулларини ҳам оқилона сарфлашга аҳд қилишди. Даромаднинг бир қисми янги техника ва эҳтиёт қисмлар сотиб олишга, фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлашга сарфланади. Бир қисмига эса армиядан қайтган фарзанд учун уй қурилади. У ҳам шу жамоанинг бир аъзоси бўлади.

(ЎзТАГ).

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессияси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИГА ДОИР МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ АЪЗОСИ Ш. М. МИРЗАЕВ МАЪРУЗАСИ

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

1990 йилнинг март ойига қадар ўша вақтда амалда бўлган Ўзбекистон ССР Конституциясининг 110-моддасига мувофиқ ва «Ўзбекистон ССРнинг маъмурий-ҳудудий тузилишига доир масалаларни ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги низом»га кўра, республикамизнинг маъмурий-ҳудудий тузилишига оид асосий масалаларни ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатининг ваколатларига кирар эди.

Ўтган йилнинг март ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Президентлик лавозимини таъсис этиш муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатининг бу ваколатлари бекор қилинди. Лекин жумҳуриятнинг маъмурий-ҳудудий тузилишига доир масалаларни ҳал қилиш бундан кейин қайси орган ваколатларига кириши белгиланмай қолди. Бу эса ўз навбатида юқорида эслатиб ўтилган низомнинг амалда ўз кучини йўқотишига олиб келди.

Ваҳоланки, маъмурий-ҳудудий ўзгаришлар республикага, унинг ҳар бир вилоятию районига хос ва тез-тез содир бўлиб турадиган бир жараёндир.

Маъмурий-ҳудудий масалаларни қайси орган ҳал қилиши ноаниқ бўлиб қолганлиги сабабли ўтган йил март ойидан то шу бугунга қадар ўтган бир ярим йиллик давр давомида халқ депутатлари маҳаллий Советлари томонидан қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатига юборилган 180 га яқин маъмурий-ҳудудий масалаларга доир қарорлар-илтимосномалар кўрилмай ва ҳал этилмай ётибди.

Ана шуларни ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишига доир масалаларни ҳал қилиш тартибини белгилаб берувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу лойиҳа бугун сизларнинг муҳокамангизга ҳавола этилмоқда.

Янги қонун лойиҳасининг асосий мазмуни тўғрисида гапиришдан аввал таъкидлаб ўтмоқ зарурки, лойиҳани тайёрлаш учун 1980 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон ССРнинг маъмурий-территориал тузилишига доир масалаларни ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги низом»да белгиланган қоидалар асос қилиб олинди. Шу билан бирга сўнгги 10 йил мобайнида жумҳуриятнинг маъмурий-ҳудудий тузилишига оид масалаларни ҳал этиш соҳасида тўпланган тажрибалар, низом қоидаларида мавжуд камчиликлар ҳисобга олинди, шунингдек қардош жумҳуриятларда маъмурий-ҳудудий масалаларни ҳал этишда қўлланаётган қонунқоидалардан фойдаланилди. Лойиҳа комитетимизнинг кенгайтирилган мажлисида ҳар томонлама муҳокама этилди.

Қонун лойиҳасининг тузилиш принциплари, унинг асосий мазмуни ва юқорида кўрсатиб ўтилган низомдан фарқига келганда қуйидагиларни кўрсатиб ўтишни лозим топдик:

1. Низомга кўра илгари маъмурий-ҳудудий масалаларнинг аксарият кўпчилигини ҳал қилишда халқ депутатлари ижроия комитетларининг қарорлари — илтимосномалари асос қилиниб олинар эди.

Тавсия этилаётган янги қонун лойиҳасига кўра эса маъмурий-ҳудудий масала бевосита қайси маҳаллий Советга тегишли бўлса, уни энг аввало шу Советнинг ижрокоми эмас, балки ушбу Советнинг ўзи муҳокама қилади ва юқори органларга тегишли қарорлар-илтимосномалар киритади. Шундан сўнг совет қабул қилган илтимосномалар қонунда белгиланган тартибда тегишли юқори органларда кўриб чиқилиб, ҳал этилади.

2. Ҳаммаларингизнинг ёдингизда бўлса керак, 1988 йил на Республика Олий Кенгашида ва на тегишли маҳаллий Советларда батафсил муҳокама қилмаган ҳолда иккита вилоят ва 20 та район тугатилиб юборилган эди. Орадан бир йил ўтмасдан бир вилоят ва 20 та районнинг ҳаммасини қайтадан тиклашга тўғри келди. Оқибатда қанчадан-қанча кишиларнинг азият чекканию миллиард сўмдан ортиқ халқ маблағининг кўкка совурилгани қолди, холос. Бу сингари бемаънигарчиликларга илгари (масалан, 50-йиллар охири — 60-йиллар бошларида) ҳам йўл қўйилган эди. Бундан кейин бунақанги ҳоллар асло такрорланмаслиги керак.

Ана шуни ҳисобга олиб, янги қонун лойиҳасида вилоятлар, районлар, шаҳардаги районларни тузиш ва тугатиш, шаҳарларни жумҳуриятга, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар туркумига киритиш каби муҳим масалалар тегишли маҳаллий Советлар органларининг илтимосномалари билан Вазирлар маҳкамасининг таклифлари асосида фақат Жумҳурият Олий Кенгаши ҳал эта олиши кўзда тутилмоқда.

3. Қишлоқлар тузиш, тугатиш, аҳоли пунктларини, районга бўйсунувчи шаҳарлар, шаҳар посёлкалари туркумига киритиш, уларни қайтадан тузиш, бўйсунувини ўзгартириш, вилоятларнинг чегараларини ўзгартириш, вилоят ва районларнинг маъмурий марказларини кўчириш, шаҳарлар доирасини кенгайтириш ва шунингдек, маъмурий-ҳудудий бўлаклар ҳамда аҳоли пунктларига ном бериш, уларнинг номини ўзгартириш каби асосий масалаларни тегишли маҳаллий ҳокимият органларининг илтимосномаларига кўра ҳал этиш ваколатларини қонун лойиҳасида яна қайтадан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатига бериш тавсия этилмоқда.

Кўриниб турибдики, жумҳуриятнинг маъмурий-ҳудудий тузилишига доир бўлган асосий ва муҳим масалаларни марказлашган ҳолда ҳал этиш кўзда тутилмоқда. Бу эса маъмурий-ҳудудий тузилишда содир бўлган ҳар бир асосий ўзгаришни зудлик билан ҳисобга олиш ва уни жумҳуриятнинг навбатчи харитаси ҳамда расмий маълумотномаларда акс эттиришга, бу ўзгариш тўғрисида манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларни ўз вақтида хабардор қилишга, маъмурий-ҳудудий бўлаклар ва аҳоли пунктларига ном бериш, уларнинг номларини ўзгартириш жараёнини кузатиб бориш ва номларнинг ёзилишидаги хатоликларга йўл қўймасликка имкон беради ва ҳоказо.

4. Районлар, қишлоқларнинг чегараларини ўзгартириш, амалда туташиб кетган аҳоли пунктларини бирлаштириш, шаҳар посёлкалари доираларини кенгайтириш, уларнинг бўйсинувини ўзгартириш, шунингдек янги пайдо бўлган аҳоли пунктларини рўйхатга олиш, бузилиб, тугаб кетган аҳоли пунктларини рўйхатдан чиқариш каби масалаларни ҳал этишни вилоят Совети раёсатининг ваколатига бериш тавсия этилмоқда. Лекин шунда ҳам вилоят Совети раёсатининг бу соҳадаги қарорлари улар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномасида босилгандан кейингина кучга кириши шарт қилиб қўйилмоқда.

5. Район, шаҳар, шаҳар посёлкаси, қишлоқ ва овуллларга, шунингдек аҳоли пунктларига кишилар номини бериш одат тусига кириб қолганлиги сабабли айрим район, шаҳар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва кўпчилик аҳоли пунктларининг тарихий номлари йўқ бўлиб кетмоқда. Бундай ҳолга чек қўйиш пайти келди, албатта.

Ана шуни ҳисобга олиб, янги қонун лойиҳасида маъмурий-ҳудудий бўлаклар, яъни вилоятлар, районлар, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқларга ва шунингдек, аҳоли пунктларига кишиларнинг номини беришга йўл қўйилмаслик кўзда тутилмоқда.

Янги қонун лойиҳасининг тузиш принциплари асосан ана шулардан иборат. Пировардида шуни таъкидлаб ўтмоқ зарурки, ушбу қонун лойиҳасига маъмурий-ҳудудий бўлиниш, вилоятлар, районлар, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар, овуллар ва бошқа аҳоли пунктларига ном бериш ҳамда уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатига топшириладиган ҳужжатлар рўйхати илова қилинган.

Энди матбуотда эълон қилинган қонун лойиҳаси юзасидан тушган мулоҳаза ва таклифларга тўхталиб ўтаман.

Тушган таклиф ва мулоҳазалар сон жиҳатидан кўп эмас. Шу билан бирга таклифлар асосан лойиҳа моддаларига аниқликлар киритишга қаратилган бўлиб, улар қонун моддаларининг маъноси ва моҳиятини ўзгартирмайди. Бундай таклифларни биз тўғридан-тўғри, ҳеч қандай муҳокамасиз қабул қилиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Таклифлар орасида қишлоқларни тузиш ва тугатиш (лойиҳанинг 3-моддаси), аҳоли пунктларини шаҳар посёлкаларига туркумига киритиш (лойиҳанинг 8-моддаси) ва шунингдек, қишлоқ аҳоли пунктларига ном бериш (18-модда) масалаларини ҳал қилиш ваколатини халқ депутатлари вилоят совети раёсатига берилса, деган таклифлар ҳам бор.

Биз бу таклифларни ҳар томонлама ўргандик, тегишли мутахассислар ва манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотлар (Қишлоқ хўжалик ва Молия вазирликлари, Статистика давлат комитети, топонимик комиссия, Госгеонадзор, Ўзбекистон аэрогеодезик корхонаси, харита тайёрлаш фабрикалари кабилар) билан маслаҳатлашиб, юқорида айтиб ўтилган таклифларни қабул қилишни лозим топмадик. Чунки, қишлоқларни тузиш ва тугатиш, аҳоли пунктларини шаҳар посёлкалари, туркумига киритиш, қишлоқ аҳоли пунктларига ном бериш каби масалаларни ҳал этишни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсати ваколатларидан чиқариб, вилоят Советлари раёсатларига олиб бериш республиканинг маъмурий-ҳудудий тузилишида содир бўлган ўзгаришларни зудлик билан ҳисобга олиш ва уларни республиканинг навбатчи харитаси ҳамда расмий маълумотномаларда дарҳол акс эттириш, бу ўзгаришлардан манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларни ўз вақтида хабардор қилиш, аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш жараёнини қонун нуқтаи назаридан назорат остига олиш ишларига катта тўсқинлик қилади, жой номларининг ёзилишида чалкашликлар туғдиради. Буни 1961—1964 йиллар тажрибасида ҳам кўриш мумкин. Ана шу йилларда қишлоқларни тузиш ва тугатиш, шаҳар посёлкалари ташкил этиш масалаларини ҳал этиш вилоят ҳокимият органларига берилган эди. Лекин ҳозиргина санаб ўтилгани каби қийинчилик ва чалкашликлар вужудга келганлиги сабабли орадан кўп вақт ўтмай бу тажрибадан воз кечишга мажбур бўлинган эди.

Қонун лойиҳасининг 6-моддасида шаҳарларни вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар туркумига киритиш ваколатини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига берилиши кўзда тутилган.

Лекин таклифлар ичида бу ваколатни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раёсатига берган маъқулроқ, деган фикр билдирилган. Биз ўйлаймизки, бу фикр қўллаб-қувватланса, хато бўлмайди.

Таклифларнинг яна бирида районга бўйсунувчи шаҳарлар туркумига киритиладиган аҳоли пунктларининг аҳоли сони қонун лойиҳасининг 7-моддасида кўрсатилганидек, 7 минг кишидан эмас, балки 10 минг кишидан кам бўлмаслиги керак, деб кўрсатилса, яхшироқ бўларди, деган фикр бор. Бу таклифни ҳам қабул қилиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Ўртоқлар, қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида маъмурий-ҳудудий бўлакларни ифодаловчи атамаларга оид таклифлар ҳам тушди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маданият жамғармаси ҳузуридаги Топонимик комиссия халқ орасида ва матбуотда «Ноҳия» ва «Туман» сўзлари «район» маъносида баравар ишлатилиб келаётганлигини ва «туман» сўзи узоқ ўтмишда ҳам «район» маъносида ишлатилганлигини ҳисобга олиб, лойиҳадаги «ноҳия», сўзини «туман» сўзи билан алмаштиришни таклиф этган.

Маълумки, халқимиз қишлоқ жойларидаги ҳар бир аҳоли пунктини, унинг катта-кичиклигидан қатъий назар, қишлоқ деб атайди. Ваҳоланки, қонунларимизда «қишлоқ» сўзи маълум бир маъмурий-ҳудудий бўлак, яъни ҳозирдаги қишлоқ совети ҳудуди маъносида олинганки, бу ҳудудда ҳар бирини аҳоли қишлоқ деб атайдиган бир неча аҳоли пунктлари бўлиши мумкин.

Ана шу чалкашликни бартараф этиш мақсадида тарихий манбаларга асосланиб, Топонимик комиссия маъмурий-ҳудудий бўлак маъносида ишлатилиб келинаётган «қишлоқ» сўзини «даҳа» атамаси билан алмаштиришни ҳам таклиф этмоқда.

Ушбу комиссия, шунингдек, «шаҳар посёлкаси» атамасини «кент» ёки «қасаба» атамаси билан алмаштиришни ҳам таклиф қилган.

Комиссиянинг бу таклифларини Миллатлараро муносабат масалалари, тил ва маданият комитетининг раиси Пиримқул Қодиров ҳам қўллаб-қувватламоқдалар.

Биз бу таклифлар тўғрисида ўз фикрларингизни билдиришни сўраймиз.

Ва ниҳоят, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят совети номидан келган хатда районларнинг маъмурий маркази бўлган вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда ҳокимият ва бошқарув органларининг структурасини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар бор.

Бу хил таклифларнинг муҳокама этилаётган қонун лойиҳасига бевосита алоқаси йўқ. Уларни кўриб чиқиш ва зарур хулосалар тайёрлашни Вазирлар маҳкамасига топшириш тўғрироқ бўларди, деган фикрдамиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ, БЮДЖЕТ СИЁСАТИ ВА МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ Э. Ҳ. САЛИМОВ МАЪРУЗАСИ

Ҳурматли халқ депутатлари! Ўртоқлар!

Муҳокамага киритилаётган «Ўзбекистон Республикасида аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, мустақил Ўзбекистон, унинг келажаги учун ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ватанимизнинг иқтисодий равнақини, ижтимоий ва сиёсий барқарорлигини кўп жиҳатдан меҳнат бозоридаги аҳвол, Ўзбекистон фуқароларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг ҳақиқий кафолатлари белгилаб беради.

Республика иқтисодиётининг бозорга ўтиш пайтидаги даражасини, демографик хусусиятларни, иш билан таъминланмаган қишлоқ аҳолисининг сонини ҳисобга оладиган бўлсак, бу аҳолини иш билан таъминлашга кафолат бериш жуда қийин вазифадир.

Бозор муносабатларига ўтиш, самарасиз, зарар кўриб ишлаётган кўп корхоналарнинг ёпилиб қолишига ва инқирозга учрашига олиб келади, иш билан таъминлашда аҳволни мушкуллаштиради ҳамда вақтинча ишсиз қолган аҳоли сонининг ўсишига сабаб бўлади.

Бу қонунни қабул қилишнинг заруриятларидан бири республикамизда 1992 йилнинг ўзидагина 1 миллиондан ортиқ ишсиз бўлиши, айниқса меҳнат лаёқатига тўлиқ эга бўлаётган ёшларнинг 40 фоизи ўқиш ёки иш жойи билан таъминланмай қолишидир. Ҳатто мана шуларни эътиборга олиб, Ўзбекистон фуқароларини иш билан таъминлаш, уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш кафолатини тўлиқ асосда таъминлашимиз жамиятимиз олдидаги асосий бурчдир.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг иш танлаш ва меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишда ижтимоий кафолатларнинг мутлақо янги тизимини вужудга келтиришни талаб қилади. Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган қонун лойиҳаси ҳаётимиз учун ана шундай долзарб масалаларга қаратилган.

Қонун лойиҳасини муҳокама учун тақдим этар эканмиз, бу муҳокама Ўзбекистон фуқароларининг меҳнат қилиш, иш ва касб танлаш, ишли бўлиш соҳасида Республика Конституциясида белгилаб қўйилган ҳуқуқларини амалга оширишнинг ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий кафолатларини янада мустаҳкам белгилайди, деган умиддамиз.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида, вилоятлар, район ва шаҳарларда билдирилган 300 га яқин таклиф ва мулоҳаза ҳисобга олинди. Тақдим этилган қонун лойиҳаси комитетлар ишида қатнашаётган халқ депутатларининг, шунингдек Меҳнат вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Статистика давлат комитети, Иқтисодиёт комитетининг вакиллари, республика олимлари ва фуқаролари томонидан билдирилган мулоҳазалар ва таклифларни ўзида жамлаган.

Қонун лойиҳаси бўйича тушган таклифларнинг асосийларини яъни кўпроқ халқимиз эркини, ирода ва манфаатини эътиборга олган ва қонун лойиҳасининг янада тўлиқ мазмунли, айниқса меҳнаткаш халқ учун фойдали томонларини кўпроқ қабул қилишга интилдик:

биринчидан, ирқи, жинси, миллати, динга муносабати, ёши, сиёсий эътиқоди, тил билиши, ижтимоий аҳволидан қатъи назар, барча фуқароларга меҳнат қилиш ва эркин иш танлаш, касб эгаллаш, хизматда юқорилаш ҳуқуқини амалга оширишда тенг имкониятларни таъминлаб бериш;

иккинчидан, фуқароларнинг меҳнат соҳасидаги ташаббуслари давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, уларнинг унумли ва ижодий меҳнат қилиш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам бериш ва уни рағбатлантириш;

учинчидан, бепул умумий таълим ва касб тайёргарлигини ҳамда қайта тайёргарликни амалга оширишни ҳуқуқий кафолатлаш;

тўртинчидан, қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, меҳнат қилишга маъмурий йўл билан жалб этишни таъқиқлаш, машғулот, касб турини ҳамда мақбул ишни танлашнинг эркинлиги ва ихтиёрлигини тўлиқ асосда таъминлаш.

Асосий мақсадимиз — ҳар бир фуқарони иш билан таъминлаш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш ва уларнинг ишсизликдан ҳимоя қилинишини таъминлаш қонун лойиҳасининг бутун матнига сингдириб юборилган.

Иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг ана шу қоидалари қонун лойиҳасида учта ғоят муҳим йўналиш бўйича амалга оширилган.

1. Биринчи йўналиш — янги иш жойларини яратаётган, меҳнат сарфлаш соҳасини кенгайтирган корхоналар учун солиқ ва молия масалаларида имтиёзлардан кенг фойдаланиш. Қонун лойиҳасига мувофиқ (17-модда) республика ҳукумати ҳар йили устунлик асосида ривожлантириладиган ишчи ўринларига нисбатан ишлаш истагини билдирганларнинг миқдори кўп талаб қилиниши лозим бўлган ҳудудларни белгилайди. Мазкур ҳудудлар ривожлантириш борасида, устунлик ҳуқуқи бериладиган мақомга эга бўлади. Ушбу ҳудудларда янги ишлаб чиқаришлар, шўъбалар ва қўшимча ностандарт ишчи ўринлари, ижтимоий инфраструктура объектлари ташкил этаётган корхоналар ва ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилган тартибда, фойдадан олинадиган солиқлар бўйича ва бошқа молиявий ёрдам кўрсатилади.

Ана шу мақсадларда иш билан таъминлашнинг республика ва ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилади. Унда майда ва ўртача тадбиркорликни ривожлантириш, ишчи ўринларини, иш билан таъминлашнинг мослашувчан шаклларини ривожлантиришдан корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар кўзда тутилади. Дастурлар доирасида иқтисодни структуравий жиҳатдан қайта қуришни рағбатлантириш, ишдан бўшатилаётган ходимларни халқ хўжалигининг ривожланаётган ва истиқболли тармоқларига йўллаш механизмлари назарда тутилади.

II. Аҳолини иш билан таъминлаш давлат сиёсатини амалга оширадиган иккинчи йўналиш иш жойи бўлмаган шахслари моддий жиҳатдан таъминлашнинг бир бутун чора-тадбирларидан фойдаланишдир.

Барча муҳтож фуқароларга компенсациялар бериш, касб ўрганиш ёки қайта тайёргарлик кўриш даврида стипендия тўлаш, ишсизлик бўйича нафақалар тўлаш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этиш имкониятини яратиш, иш билан таъминлаш хизматининг таклифига кўра бошқа ерга ихтиёрий равишда кўчиб ўтиши билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш сингари кафолатлар давлат томонидан таъминланади.

Ишсизларга бериладиган нафақаларнинг ва бошқа тўловларнинг барчаси қонунда белгиланган тартибда индекслаштириш лозим. Ушбу қонунга мувофиқ 16 ёшга тўлган ва қонунга мувофиқ ишсизлар мақомига эга бўлган ҳар бир фуқаро ишсизлик бўйича нафақа ёки компенсация олишга ҳақлидир. Фуқаро пенсия ёшига етиши билан ҳам бу ҳуқуқ ўз кучини йўқотади.

Ўз ишидан ва меҳнат ҳақидан маҳрум бўлган фуқароларга бериладиган нафақалар охирги иш жойида олган бир йиллик иш ҳақига нисбатан фоиз нисбатида белгиланади. Бошқа ҳолларда, жумладан, илк бор иш қидираётган фуқароларга нафақа меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ҳажмида белгиланади. Ишсиз фуқаронинг қарамоғида меҳнатга лаёқатсиз кишилар бўлса, нафақа 10 фоиз кўпайтирилади, лекин унинг энг кўп миқдори сўнгги иш жойидан олган ўртача иш ҳақидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Иш билан таъминлаш хизматининг йўлланмаси бўйича касб ўрганаётган (қайта тайёрланаётган) фуқароларга стипендиялар қуйидаги миқдорда тўланади: бир йилдан ортиқ меҳнат стажига эга бўлган фуқаролар учун сўнггги иш жойидаги ўртача иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида; меҳнат стажи бўлмаган ёки меҳнат стажи бир йилдан озроқ фуқароларга давлат томонидан шу ихтисосдаги ўқув юртлари учун белгиланган стипендия миқдорида, лекин шу тоифадаги фуқаролар учун ишсизлик бўйича белгиланган нафақа миқдоридан кам бўлмаган ҳажмда.

Ишни йўқотган ёки узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ, танаффусдан сўнг меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахслар учун нафақалар бериш муддати: бир йил давомида олти ойдан кам бўлиши мумкин эмас; илк бор иш қидираётганлар учун эса бу муддат уч ойдан кам бўлиши мумкин эмас.

Фуқаролар ишсиз бўлиб қолсалар, башарти, улар ишсиз бўлиб қолгунга қадар бир йил давомида тўла иш куни шароитида камида уч ой ҳақ тўланадиган меҳнатни қилган бўлсалар, уларга ишсизлик бўйича нафақалар тўланади. Ишсиз ва иш ҳақисиз бўлиб қолган шахсларга нафақа миқдори у сўнгги йилда аввалги иш жойидан олган асосий иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида белгиланади. Нафақа олаётган даврида ишсиз ўзи учун фаол иш қидириши ва ҳар икки ҳафтада камида бир марта иш билан таъминлаш давлат хизматининг рўйхатидан ўтиши шарт. Бошқа барча ҳолларда, жумладан илк бор иш излаётганлар учун тўловлар энг кам иш ҳақига нисбатан фоиз миқдорида белгиланади, лекин у республикада таркиб топган ўртача иш ҳақидан ортиқ бўлмаслиги керак. Илк бор иш қидираётган ҳамда ишсизлик бўйича нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга, агар иш билан таъминлаш давлат хизмати касб ўрганишни таъминламаса ёки ишга жойлаштирмаса, давлат томонидан белгиланган энг кам иш ҳақининг 75 фоизидан кам бўлмаган миқдорда тўланиши кафолатланади.

III. Учинчи йўналиш кадрларни касбга ўргатиш ва уларни қайта тайёрлашнинг қудратли тизимини ривожлантиришдир. Бозор иқтисодиёти шароити фуқароларнинг малакасини оширишни тақазо этмоқда. Ваҳоланки, аввал фуқаролар меҳнат фаолиятини бошлаб пенсияга чиққунга қадар ўз касбларини сақлаб қола олишлари тарихга айланмоқда.

Фан-техника тараққиёти, иқтисодиётдаги структуравий ўзгаришлар 10—15 йил давомида ходимларнинг касб-корларини ўзгартиришни тақазо қилади. Бу эса ўз навбатида ҳунар ўргатиш тармоғини сақлаб туриш ва уни ривожлантириш учун давлат томонидан бир бутун чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Ана шу йўналишларни амалга ошириш жуда катта харажатларни — Меҳнат вазирлигининг ҳисоб-китобига кўра, ҳар йили 950 миллион сўмга яқин маблағ сарфланишини талаб этади. Шу сабабли иш билан таъминлаш ҳамда ишсиз аҳолини ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатини амалга ошириш учун қонун лойиҳасида республика ҳамда маҳаллий даражаларда иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаларининг тузилиши кўзда тутилади.

Ушбу жамғармани қуйидаги манбалар эвазига ҳосил қилиш кутилмоқда: барча хўжалик субъектларининг мажбурий ажратмалари эвазига, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг уч фоизи миқдорида (бу харажатлар маҳсулот таннархига киритилади); республика ва маҳаллий бюджетлар маблағларидан берилаётган дотациялар; шунингдек ихтиёрий хайрия-эҳсонлар, жарималар ва бошқа тушумлар эвазига.

Қонун лойиҳасига мувофиқ аҳолини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касбини ўзгартириш марказларининг базасида аҳолини иш билан таъминлаш давлат идораси тузилади. Унинг таркибига қуйидагилар киради: Аҳолини иш билан таъминлаш Республика давлат комитети аҳолини иш билан таъминлаш вилоят, шаҳар ва район марказлари (бюролари).

Аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатини аниқлаш ва амалга ошириш бўйича келишилган қарорларни ишлаб чиқиш мақсадида республика ва маҳаллий даражаларда аҳолини иш билан таъминлашни уйғунлаштирувчи комитетлар тузилиши кўзда тутилган. Бу комитетлар касаба уюшмалари, тадбиркорлар ассоциациялари, иш билан таъминлаш идоралари ва жамоат ташкилотларининг вакилларидан иборат таркибда тузилади.

Шундай қилиб, қонун республикада аҳолини иш билан таъминлашнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан самарали тизимини тузиш бўйича барча зарур шартларни қамраб олган. Унда иш билан таъминлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қонун билан мустаҳкамланган.

Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетининг фикрича, Олий Кенгаш томонидан бу қонуннинг қабул қилиниши ҳамда барча даражадаги халқ депутатларининг жўшқин фаолияти бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналиши, Ўзбекистон Республикасининг гуллаб-яшнаши сари қилинган дадил қадам бўлади.

ДЕПУТАТЛИК ОДОБИ ҚОИДАЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛИК ОДОБИ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ АЪЗОСИ Ф. Н. НАЖМИДДИНОВ МАЪРУЗАСИ

Ҳурматли депутатлар!

Ҳеч бир тўсқинликсиз ишлаш, депутатлик ҳуқуқ ва бурчларини амалга ошириш учун зарур шароитлар, бизнинг дахлсизлигимиз, шунингдек депутатлик фаолиятининг бошқа асослари республикамиз Конституцияси томонидан кафолатлаб қўйилган. Ҳар биримизнинг шаънимиз ва қадр-қимматимиз халқ депутатларининг мақоми тўғрисидаги қонун ва бошқа ҳужжатлар билан ҳимояланган.

Республика Олий Кенгаши, комитетлари ва комиссияларида ҳам, шунингдек улардан ташқарида ҳам халқ депутатларининг ҳулқ-атвори қонун-қоидаларини белгилаб берувчи асосий ҳужжатлар соҳасида эса аҳвол бир мунча бошқачароқ. Ҳозирги вақтда биз халқ депутатларининг мақоми тўғрисидаги қонунда «Депутатлик одоби» деган 7-моддага эгамиз, холос. Бу модда халқ депутатларининг юриш-туриш меъёрлари умумий тарздагина белгилаб берилган. Бундан ташқари Олий Кенгашнинг Иш тартибида 27-модда бўлиб, унда сессияда сўзга чиқиш вақтида депутат билан раислик қилувчининг ўзаро муносабатлари тартиби белгилаб қўйилган.

Чет давлатлар, бошқа суверен республикалар парламентларининг амалий иши шуни кўрсатмоқдаки, у ерда депутатларнинг юриш-туриш меъёрларини, уларнинг одобини белгилаб қўядиган аниқ ҳужжат амал қилмоқда. Бу ҳужжат «Депутатлик одоби қоидалари» деб аталади. Ҳар бир депутатнинг ана шу қоидаларга риоя этишини Депутатлик одоби комиссияси назорат қилади. Комиссия депутатларнинг шахсий ҳулқ-атворига доир масалаларнинг, унинг ахлоқ меъёрларини бузиш ҳолларини қараб чиқади, ўз ишини Депутатлик одоби комиссияси тўғрисидаги низом асосида ташкил этади.

Ҳурматли депутатлар!

Сизларга «Депутатлик одоби қоидалари» ва «Депутатлик одоби комиссияси тўғрисидаги низом»нинг лойиҳалари тарқатилган. Сиз бу ҳужжатлар билан танишиб чиқдингиз ва уларнинг асосий мазмунлари қуйидаги қоидалардан иборат эканлигини кўриб турибсиз:

— бутун башарият тажрибаси билан ҳосил қилинган эзгулик, адолат, инсонпарварлик ва меҳр-шафқат ideаллари республикамиз ҳар бир халқ депутати ҳулқ-атворининг асосий маънавий мезонлари даражасига кўтарилади;

— халқ депутати фақат ўз сайловчиларининг эмас, балки республикамиз бутун аҳолисининг ҳам тўла ҳуқуқли вакилидир. Шу сабабли у ўз фаолиятида умумхалқ манфаатларининг, инсон ҳуқуқлари, республика Конституцияси унинг қонунлари, Олий Кенгаш Иш тартибининг, шунингдек ушбу Депутатлик одоби қоидаларининг шубҳасиз устунлигига риоя этмоғи керак;

— халқ депутати ўз номига, ўзини вакил қилган сайловчилар номига ва таркибига сайланган қонун чиқарувчи идора номига доғ тушурувчи хатти-ҳаракатлар қилишдан, баёнотлар беришдан ўзини тийиши лозим;

— халқ депутати ушбу қоидаларни бузган тақдирда комиссия Депутатлик одоби масалалари комиссияси тўғрисидаги низомда белгиланган таъсир чораларини қўллаши мумкин.

Кўриниб турибдики, Депутатлик одоби қоидалари мажлисларда қатнашишдан тортиб ҳуқуқ-тартибот ва суд идоралари ҳамда ажнабий давлатлар билан бўладиган ўзаро муносабатларга қадар ўзининг кўп қиррали фаолиятида халқ депутатнинг хатти-ҳаракатини тартибга солиб туради. Депутатнинг шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қилишга алоҳида, яъни 4-модда ажратилган. Унга мувофиқ ўзини ҳақоратланган деб ҳисоблаган депутат ҳақорат этган шахсдан кўпчилик ўртасида кечирим сўрашни талаб этишга, истагига рад жавоби олган ҳолларда эса комиссияга мурожаат қилишга ҳақлидир. Комиссия эса бу ишни кўриб чиқиш учун қабул этиши шарт.

Комиссияга «Халқ депутатлари мақоми тўғрисида»ги қонунни бузиш ҳолларини, Олий Кенгаш томонидан сайланадиган, тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахсларнинг ахлоққа хилоф хатти-ҳаракатларини текшириш ваколати берилган. Комиссия ана шундай ҳоллар юзасидан Олий Кенгашга ёки унинг раёсатига хулосалар тақдим этади.

Комиссия Депутатлик одоби қоидалари бузилганлигига хос вазиятларда депутатлар билан маслаҳатлашиши, Иш тартиби, қонунларни бузган халқ депутатларини эшитиши, республика прокурорининг депутатлар дахлсизлигини чеклашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномасини қараб чиқиб, унинг юзасидан хулоса бериши мумкин.

Депутатлик одоби комиссияси тўғрисидаги низомга мувофиқ комиссия халқ депутатлари ҳуқуқларини камситиш ҳолларини, уларни танқид учун таъқиб қилишга уриниш фактларини қараб чиқиши, депутатнинг шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза эта бориб, халқ депутатининг шаъни ва қадр-қимматига тажовуз этган шахсларга нисбатан материалларни ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш идораларига бериш; халқ депутатлари олдидаги ўз мажбури

Водийларни ёв кезганда...

«ХАЛҚ СЎЗИ»НИНГ САМАРҚАНДДАГИ МУХБИРИ ҲАБИБ ТЕМИР ХАБАР БЕРАДИ.

АМЕРИКАНИНГ ҚАЙТА КАШФ ЭТИЛИШИ

Дарҳақиқат, тасодифми, қонуниятми, Самарқанд ва АҚШдаги Олимпия шаҳри ўртасидаги дўстона алоқалар ҳақидаги шартноманинг имзоланиши 14 октябрга — Колумб Америқо қитъасига илк қадам босган тарихий кунга тўғри келди.

Шартномани Олимпия мэри Рекс Дерр ва халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Совети ижроия комитети раиси Мустафоқул Ғаниев имзоладилар. Ушбу шартномага асосан икки шаҳар ўртасида бевосита муносабатлар ўрнатилди. Масалан, шу йилнинг декабрь ойида самарқандлик шифокорлардан бир гуруҳи Олимпия шаҳрига тажриба алмашиш учун боради. Самарқанд давлат дорилфунуни ва Саут Пьюжит Саунд коллежи вакиллари илмий ходимлар, талабалар алмашиш юзасидан келишиб олишди. Америкалик профессор Нейл Скоков Самарқанд кооператив олийгоҳида иқтисодий муаммолар борасида маърузалар ўқийди.

Товарлар, мол-маҳсулотларни бевосита айирбошлаш борасида ҳам битим тузилди. Самарқандлик рассомлар, музей ходимларига маҳаллий ижодкорлар асарлари акс эттирилган слайдлар, фотосуратлар тайёрлаш таклиф этилди. Токи, уларни американликлар санъат мухлислари эътиборига ҳавола этиш, келгусида Олимпия шаҳрида кўргазма савдолар уюштириш имкони туғилсин.

Америкалик меҳмонлар шаҳардаги «Усто» бирлашмасида, қатор корхоналар ва ташкилотларда бўлишди. Қизғин, амалий машғулот авж олди. Уларнинг самараси тез орада юзага чиқиши кутилмоқда.

ЧИҚИНДИДАН БИНОКОРЛИК АШЁСИ

Ҳозир уй-жой қурилиши миқёси кун сайин кенгайиб бораётгани сир эмас. Бинокорлик ашёлари эса тақчил. Айниқса, томга ёпиладиган тунука, шифер топилмайди. Ана шуни ҳисобга олган «Сино» ижара корхонаси холодильниклар орқа деворига ишлатиладиган металл чиқиндиларидан черепица чиқара бошлади.

Қурилиш хом ашёси корхонанинг «Элма» дўкони орқали йилига 25 минг квадрат метр миқдорида сотилади.

САВДО УЙИ ХИЗМАТДА

Вилоят совети ижроия комитетининг қарори билан «Самарқанд» савдо уйи — ахборот-тижорат маркази очилганига айтарли кўп вақт бўлгани йўқ. Ана шу фурсат орасида савдо уйи товар ишлаб чиқарувчилар ҳамда сотувчиларни, шунингдек бошқа ташкилотлар, муассасаларни зарур ахборотлар билан таъминлаш, ташқи савдо алоқаларини ўрнатишда кўмаклашиш борасида анча ишларни амалга оширди.

Тижорат маркази замонавий компьютерлар билан жиҳозланган. Бу ерда ширкатлар, кичик корхоналар, хом ашё етказиб берувчилар ҳақида маълумотномалар, ахборот рисолалари ҳам ишлаб чиқарилаётир.

Марказ иштирокида тузилган шартномалар асосида аҳолига сотиш учун қўшимча равишда 800 минг сўмлик товарлар харид қилинди.

АФҒОНИСТОН ДЎКОНИ ОЧИЛДИ

Самарқанд шаҳридаги марказий универмаг биносида Афғонистондаги «Ҳафизулло Ҳамидий» ширкатининг дўкони очилди. Унда қўшни мамлакатда ишлаб чиқарилган тўқимачилик матолари, кийимкечаклар, эсдалик совғалар сотилмоқда. Шуниси эътиборга лойиқки, афғон тужжорлари ўз моллари билан бир қаторда Ғарбий Оврупо, Америка товарлари билан ҳам савдо қилиш ниятидалар ва улар бизнинг тижорат дўконларидагидан бирмунча арзон бўлади.

Марказий универмаг ҳамда «Ҳафизулло Ҳамидий» ширкати тузган шартномага биноан савдо-сотиқ миқёси тобора кенгайиб боради.

Сиёсий ҳаёт

ТЎҚНАШУВ ЭМАС, МУЛОҚОТ

Бундан роппа-роса бир йил олдин «Халқ сўзи»нинг нишона сонида эълон қилинган «Мулоқотми, тўқнашувми» сарлавҳали мақолада Самарқанд вилояти раҳбариятининг норасмий ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, уюшмалар вакиллари билан ўтказган учрашуви ҳақида фикр юритгандик. Чиндан ҳам ўша пайтда маҳаллий ҳокимият намояндалари олдида икки йўл мавжуд эди: биринчиси — компартия ҳамда ҳукумат идораларини аёвсиз танқид қилаётган янги, ёш ижтимоий-сиёсий тузилмаларга қарши кескин тўқнашув бошлаш, уларни ҳар томондан тазйиқ остига олиш, таъқиқлаш, аниқроқ қилиб айтганда бешигидаёқ бўғиб ташлаш. Бундай йўл тутишнинг ўз мантиқий изоҳи ҳам бор эди. Ахир қайси сиёсий куч ўз рақибларини кучсизлик пайтида маҳв этишни истамайди!

Иккинчиси, ҳали мурғак, сиёсий жиҳатдан тажрибасиз, тез-тез янглишувчи, ҳис-ҳаяжонга берилувчи ижтимоий кучларга эътибор, эҳтиёткорлик билан қараш, талабларини, танқидларини сабот билан тинглаш, янглишган пайтларида тўғри йўлга солиш, муштарак мақсадлари сари йўналтириш, ўрганиш ва ўргатиш, хуллас, учрашиш, мулоқот қилиш йўли эди.

Самарқанд вилояти раҳбарияти иккинчисини танлади. Бу йўл оғир, машаққатли, мураккаб эди. Бунинг учун юқоридан ҳам, пастдан ҳам танқидлар, таъна-дашномлар эшитилди, марказкомда муҳокамалар бўлди. Аммо халқ депутатлари вилоят совети, унинг раёсати ўз фикрида қаттиқ турди.

— Самарқанднинг ўзига хос ижтимоий-сиёсий муҳити, кўп миллатлилиги (унда 100 дан ортиқ миллатлар вакиллари яшайдилар) шуни тақозо этарди, — дейди халқ депутатлари вилоят совети раиси Пўлат Мажидович Абдураҳмонов. — Фарғона, Ўш, Душанбе, Паркент воқеалари, жумҳуриятимиз ва мамлакатнинг бошқа бурчакларида юз берган фожиалар бу борада нуктадонлик, сабот, қатъият билан иш олиб боришни талаб қиларди. Биз ҳамиша, ҳар дақиқада ҳар қандай ижтимоий-сиёсий гуруҳлар билан мулоқот олиб боришга тайёр турдик. Уларнинг ҳар бирини Самарқанд шаҳрида, вилоятда осойишталик, аҳилликни сақлашга сафарбар этишга интилдик. Ўтган мураккаб ойлар, кунлар мобайнида вилоятимизда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарор сақлаб келганлигимиз шунинг самараси, деб, ўйлайман.

Дарвоқе, Самарқанд шаҳри ва вилоятда сокин, ишчанлик муҳити мўътадил эканлигини республика Президенти И. А. Каримов яқинда вилоят фаоллари билан бўлган учрашувда эътироф этди ва бунинг учун жамоатчилик вакилларига миннатдорчилик билдирди.

Шундай қилиб, мулоқот йўлидан собит қадам ташланди. Бу орада мамлакатдаги сиёсий обҳаво ўзгарувлари муносабатларни гоҳ юмшатди, гоҳ таранглаштирди. Ҳарқалай мулоқот ришталари буткул узиб ташланмади. Бу эса сиёсий турфалик (плюрализм), кўппартиялилик айни ҳақиқатга айланган бугунги кунда ғоят асқатмоқда. Чунки ўзаро муносабатлар мавжуд, муайян тажриба тўпланган. Шулар асосида мулоқотларнинг янги босқичини бошлаш, мақсадлар сари, интилишлардаги муштарак нуқталарни топиш ва яқинлаштириш мумкин.

Халқ депутатлари вилоят совети раёсати аъзоларининг «Эрк» демократик партияси, «Бирлик» халқ ҳаракати вилоят бўлимлари фаоллари, Самарқанддаги тожик маданияти жамияти ва бошқа ижтимоий уюшмалар намояндалари билан учрашувлари амалий, таъсирчан руҳда ўтди.

Ўзбекистон «Эрк» демократик партияси Самарқанд вилояти ташкилий комитети раиси С. Муродов, Самарқанддаги тожик маданияти жамияти вакиллари Ў. Бекмуҳаммедов, Ж. Мирсаидов, А. Қамарзода, Ҳаёт Неъмат, татар-бошқирд маданий маркази вакили Ф. Мазитов, «Бирлик» ҳаракати фаоллари А. Йўляхшиев, Э. Шерматов, халқ депутатлари вилоят совети ошкоралик масалалари комиссияси раиси, Ўзбекистон халқ артисти Т. Қурбонов нутқларида жумҳурият мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимизни оғир иқтисодий тангликдан олиб чиқиш борасида фикр юритдилар, бу йўлда кучларни бирлаштириш зарурлигини уқтирдилар.

«Эрк» демократик партияси бош котиби Аҳмад Аъзам Ўзбекистон заминида илк бор туғилган фирқанинг мақсадлари ҳақида гапириб, у жумҳуриятнинг тўла ва барқарор мустақиллиги учун кураш йўлида барча сиёсий кучлар тенг, амалий ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирди.

Халқ депутатлари вилоят совети раиси П. М. Абдураҳмонов учрашувга якун ясар экан, раёсат мулоқотлар йўлини изчил давом эттиражагини айтди. Зеро, мулоқотлар давомида ҳамжиҳатлик пойдевори барпо этилади. Ўзбекистонни чинакам қуррият, истиқлол йўлидан олға элтишда ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, миллий аҳиллик ва осойишталик жуда-жуда зарурдир.

Қурилиш майдонларида

ИШЛАР РИСОЛАДАГИДЕК

Қашқадарё вилояти 2-деҳқончилик-саноат қурилиш трестининг хўжаликлараро механизациялашган 243-кўчма колоннаси қурувчилари бу йил 3 миллион 730 минг сўмлик юмуш бажаришди.

Тайёр объектларда ички ва ташқи пардозлаш ишларини бажариш, монтаж қилиш, водопровод қувурлари ётқизиш, электр симлари тортиш ободончилик ва асфальтлаштириш ишларини бажаришда махсус механизациялашган кўчма колонналарнинг қурувчилари қатнашмоқдалар. Пудратчи қурилиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузилган. Жумладан, Ульянов пахта тозалаш заводи территориясини бетон деворлар билан тўсиб, қабул қилиб олинган пахталарни жамлаш учун бунт майдончалари қурилаяпти. Бу ерда 250 минг сўмлик иш бажариш кўзда тутилган. Маблағлар йил охирига қадар ўзлаштирилиши зарур. Қисқа вақтда қурувчилар 35-40 минг сўм атрофида иш бажариб қўйдилар. Бешбой Ўринов, Йўлдош Ҳайдаров, Бекмирзо Ражабов ғайрат қилиб ишлаяптилар.

Яна бир объект: район марказида сут заводи қурилиши учун дастлабки пойдевор қўйишга киришилди. Суткасига 10 тоннагача сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш қувватига эга бўлган завод қурилиши учун 2 миллион 367 минг сўм маблағ ажратилган. Заводни белгиланган муддатдан анча олдин қуриб, фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Ҳозирча бетон қуйиш учун чуқурлар ковлаш, қурилиш учун ташиб келтирилган темир-бетон блокларни монтаж қилиш давом этяпти. Қурилиш-монтаж ишларини бажаришда Дилмурод Гулмуродов бошлик бригада ишчилари қатнашяпти.

Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш сув билан ҳаводек зарур.

«Иссиқ нон» ишлаб чиқарадиган комбинат қурилиши охирлаб қолди. Комбинат фойдаланишга топширилса, 12 турдаги нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Колоннада бир қатор ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Вилоят деҳқончилик саноати трестига қарашли 23-, Ульянов районидаги 88- ва хўжалик ҳисобидаги автотранспорт парки қурилиш материалларини ташиб келтириш учун етарли даражада автомашина ва бошқа транспорт воситалари билан таъминлай олмаяпти.

Ж. ЮСУПОВ.

Қўшни давлат тажрибаси

СУДДАН ЮҚОРИСИ — АЛЛОҲ

Афғонистон Олий суди раисининг муовини Абдулҳаким Жузжонийнинг фикри шундай

СУРАТДА: Ўзбекистон Олий судида суҳбат пайти. Е. БОТИРОВ олган сурат.

БИЗ, бир гуруҳ ҳуқуқшунослар, Ўзбекистон Олий суди раисининг ҳузурида Афғонистондан келган меҳмон, таниқли ҳуқуқшунос, снёсатчи, шоир Абдулҳаким Шорий Жузжоний билан суҳбатлашиш учун ҳозир бўлдик. Раис Убайдулла Қурбонович Мингбоев республика судининг фаолияти ҳақида гапириб, ўтмишда бу маҳкамага нисбатан муносабатнинг нотўғри бўлганлиги, эндиликда эса жумҳуриятимизда суд органлари ишларида туб бурилиш юз бераётгани, бу идоралар ўз қадрларини тиклаб, ҳокимият тариқасида мустақил иш кўраётганликлари, шунингдек ҳали олдимиздаги вазифаларни тўлиқ амалга ошириш, яъни суд органлари фаолиятини юридик, моддий ва маънавий такомиллаштириш учун кўп иш қилишимиз зарурлиги тўғрисида гапирди.

Биз суд ҳокимияти, прокуратура, Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Давлат хавфсизлиги комитети билан муносабат масалалари бўйича тажриба алмашиш маъносида қўшни давлатдан келган ҳамкасбимизни суҳбатга тортдик.

— Ҳурматли Абдулҳаким ака, Сиз жуда катта кураш йўлини босиб ўтган Афғонистон ҳуқуқшуносларидансиз. Инқилобдан кейин Афғонистон Республикаси Адлия вазири, Бош прокурори ҳамда Олий суд раиси каби лавозимларда ишладингиз. Кейинчалик эса илғор фикрингиз, тўғри сўзлигингиз боис вақтинча давлат ишларидан четлатилиб, оғир кунларни ҳам бошдан кечиргансиз. Мана, ҳозирги кунда Афғонистонда олиб борилаётган миллий ярашув сиёсати шарофати билан яна Олий суд раисининг муовинидек катта лавозимда фаол ишлаб турибсиз. Билишимизча, Сиз сиёсат, давлат, қонунчилик масалалари билан шуғулланишдан ташқари жозибали шеърларингиз билан ҳам халқ орасида шуҳрат қозонгансиз. Шоир билан сиёсатчи бирлашганда халқларвар Шахс бунёдга келади. Шу сабабдан биз, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқшунослари учун Сизнинг давлат ҳокимияти, хусусан суд ҳокимияти ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингиз қимматлидир.

— Давлат ҳокимияти масаласи мураккаб мавзу. Конституциямизнинг 107-моддасида суд ҳокимияти ўз ваколати доирасида мустақил эканлиги таъкидланган. Мамлакатда уч ҳокимият мавжуд: қонун чиқарувчи Олий ҳокимият органи қонунлар қабул қилса, бошқарув органи Президент раҳбарлигида уни ҳаётга тадбиқ этади. Учинчи ҳокимият — Суд бузилган қонун ва қоидаларни ўз ҳукмига биноан тиклайди. Мен ўйлайманки, ҳокимият шу йўсинда тақсимланган давлатларда демократик принциплар амал қилади. Агар унинг тескариси бўлса, яъни ҳокимият ўта марказлаштирилиб, унга якка ёки бир ҳовуч шахслар ҳукмронлик қилса, бундай мамлакатларда диктатура бўлади. Давлат ҳокимиятининг тақсимланиши ва унга риоя қилиниши мувозанат ҳолатини таъминлайди. Албатта, конкрет шароитларни ҳисобга олган ҳолда баъзан у ёки бу ҳокимиятга бошқа ҳокимиятдан кўра кўпроқ ҳуқуқ, ваколат берилиши мумкин. Масалан, мамлакат учун оғир ҳолларда — табиий офатлар, оммавий тартибсизликлар каби вазиятлар юзага келганда бошқарув органларига, хусусан Президентга катта ваколатлар берилади. Бундай ҳолатларда ҳам Конституцияга амал қилинади. Ҳокимиятнинг тақсимланиши бузилмайди.

— Ўзбекистонда ҳозирги кечакундузда суд ҳокимиятини тиклаш, унинг обрў-эътиборини ошириш борасида саъй-ҳаракатлар бўлмоқда. Сизга маълумки, тоталитар давлат шароитида, айниқса Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари поймол қилинди. Суд ҳокимияти эса мустақиллик ҳуқуқидан маҳрум этилган, фақат сўздагина «қонунга биноан» иш кўрадиган, амалда эса ҳукмрон кучлар қўлидаги кўғирчоқ ҳокимиятга айланиб қолган эди. Республика Олий суди ўзининг ваколатига эга бўлиш учун курашар экан, албатта, у хорижий мамлакатлардаги суднинг тузилиши, ишига доир тажрибани ўрганишга алоҳида эътибор беради. Шунинг учун бизга Афғонистон давлатидаги қозилар маҳкамасининг тузилиши, вазифалари ҳақида эшитиш қизиқарли.

— Афғонистонда суд ҳокимиятини амалга ошириш учун махсус «Суд ҳақида» қонун қабул қилинган ва унда суднинг вазифаси, ваколати, тузилиши аниқ белгилаб қўйилган. Бизларда судьяларни қозилар, суд идораларини эса маҳкама деб айтилади. Қонунга биноан суд мустақил ҳокимият ва унга жуда катта вазифалар юклатилган, ваколатлар берилган. Давлатда содир бўлаётган барча қонун бузилишлар шу маҳкамада кўрилади. Олий суднинг раисини, муовинлари ва аъзоларини Президент тайинлайди.

Олий суд (стара маҳкама) Олий кенгаш, тўрт суд ҳайъатидан ташкил топган. Олий судга энг тажрибали, билимдон, ватанпарвар, маънавий ва жисмоний соғлом, тажрибали ҳуқуқшунослар тайинланадилар. Таркиби қуйидагилардан иборат: суд раиси, раис муовинлари (4 кишидан иборат), девонларнинг раислари (8 кишидан иборат) ҳамда котибият раиси (1 киши). Олий кенгашга Олий суд раиси раҳбарлик қилади. Раснинг тўрт муовини тўрт ҳайъатни бошқаради. Тўрт ҳайъат қуйидагича: умумий жиноятларни кўриш, оммавий хавфсизлик ишлари бўйича, фуқаролик ишлари, ҳарбий ишлар бўйича. Бундан ташқари ана шу тўрт ҳайъатнинг ҳар бири ишларнинг характерига қараб икки девондан ташкил топган. Масалан, биринчи ҳайъат умумий жиноий ишлар ва қозилар ишлари девони, иккинчи ҳайъат оммавий хавфсизлик ишлари ҳамда давлат ички ва ташқи хавфсизлигига қарши қаратилган ишлар девонидан иборат.

Маҳкамалар, девонлар суд ҳайъатлари иш кўриш жараёнида биринчи навбатда давлатнинг асосий қонуни — Конституцияга, кейин эса Конституцияга биноан қабул қилинган қонунларга асосланадилар. Шуни таъкидлаш керакки, Афғонистонда судлар фаолиятида шариат меъёрларига асосан иш кўришга ҳам катта аҳамият берилади. Чунки, Асосий Қонунда (2-моддада) мамлакатда қонунлар шариат принципларига қарши бўлиши мумкин эмаслиги таъкидланган. Шарқ давлатлари суд фаолиятида шариатни давлат қонунлари билан бирга қўлланиш мақсадга мувофиқдир. Шариат жуда мукаммал ишланган ҳуқуқий тизимлардан бири бўлиб, халқларимизнинг азалий одатлари, анъаналари, руҳияти шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди.

Биз ҳуқуқшунослар бу мавзуни ҳеч қачон эътибордан четда қолдиришимиз мумкин эмас.

— Қозихона маҳкамалари олдига қўйилган асосий вазифалар нималардан иборат!

— Олий суд мустақил ҳокимият бўлганлиги учун унга жуда катта вазифалар юклатилган. У қуйи суд маҳкамаларига раҳбарий кўрсатмалар, қонуний шарҳлар бериш ҳуқуқига эга. Афғонистонда олий ҳокимият органи қонунларнинг тафсирини берса, Олий суд тушунтиришлар киритади, суд тажрибаларини ўрганиб, статистик маълумотларни жамлайди ва уларни оммалаштиради. Шунингдек, янги қонунлар қабул қилиш, қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритиш ёки уларни бекор қилиш учун ўз таклифларини Миллий Кенгаш муҳокамасига киритишга ҳақли.

Судларга тегишли ишлар бўйича Олий суд бошқа қонун остидаги меъёрий ҳужжатлар, қоидалар қабул қилади, ҳамма судлар ишларини назорат этади, суд ҳайъатларининг ҳисоботини эшитади. Агар қози томонидан жиноят содир қилинса, у ишдан вақтинча четлатилади. Чунки қозиларни ишга тайинлаш ва ишдан бўшатиш Президентнинг ваколатидадир. Олий маҳкамалар раислари ва аъзоларини Олий суд таклифига биноан Президент тайинлайди. Ўрта ва қуйи судлар раислари ҳамда аъзоларини эса Олий суд тақдимга биноан Олий суд раиси тасдиқлайди. Бундан ташқари судлар томонидан берилган истеъфоларни қабул қилиш, ёшлар келажакда қози бўлиб ишлай олишлари ҳақидаги тақдимномалар Президентга тавсия этилади, сиёсий партиялар, оммавий ташкилотлар аризалари қабул қилинади, тасдиқланади, сайловларнинг ўтишини назоратга олинади.

— Ҳурматли Абдулҳаким ака, қозиларнинг моддий шароитлари, маошлари, уларнинг жамиятдаги мавқеи ҳақида ҳам гапирсангиз!

— Бизда қозиликка ҳуқуқшунослар орасида обрў ва эътиборга сазовор, малакали мутахассислар жалб қилинадилар. Уларга маош тайинлашда қозилар турли даражаларга (рутба) бўлинадилар. Рутба 10 даражалидир. Масалан, Олий суд раисининг маоши 36.00 минг афғонийдир. У Президент маоши билан тенг.

— Ўзбекистон Республикаси Олий суди ўз ҳокимиятини мустақил амалга ошириш учун дастлабки қадамларни қўяётган экан, Сизнинг таклиф ва истакларингизни эшитишни хоҳлардик.

— Ҳар бир мамлакатда демократиянинг равнақи, менинг фикримча, суднинг мустақиллигига ҳам боғлиқ. Агар судлар бирон-бир маъмурий органлар ёки партиялар таъсирида бўлса, бундай ҳолларда одил судлов ҳақида гапириш мушкул. Масалан, бизда Адлия вазирлиги қозиларни тайинлашда, суд ҳисоботларини эшитишда, молиявий ишларни ҳал қилишда ҳеч қандай ваколатга эга эмас. Акс ҳолда Конституцияда белгиланган ҳокимиятни тақсимлаш принципи барбод бўлади. Чунки Адлия вазирлиги бошқарув органининг бир қисмидир. Шунинг учун ҳам, мадомики, сизлар мустақилликка қараб ривожланар экансиз, биринчи навбатда суд маҳкамаларини бошқа маъмурий органлар ва партиялар тазйиқидан озод қилишларингиз керак.

Суд иш кўришда мустақилдир. Унинг ҳукми қатъий ва ҳукмни муҳокама этиш, қайтариш ёҳуд конкрет кўрилган иш бўйича ҳисобот талаб қилиш мумкин эмас. Фақат мамлакат Президенти аф этиш ҳуқуқига эга. Қозиликка энг етук мутахассисларни жалб қилиш зарур. Бу борада бизлар учун ривожланган Шарқ мамлакатларидан Туркия, Ҳиндистон ва баъзи бир араб давлатлари тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Умуман келажакда биз — ҳаммамиз бир-бирларимиз билан тажриба алмашиб, ўргансак, яхши бўлади. Конституциямизнинг 107-моддасида шундай сўзлар бор: «Суд ҳокимияти давлатнинг бир мустақил устунидир». Бунинг маъноси шундан иборатки, давлатда суднинг ҳукмисиз бирон-бир шахс озодликдан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, суддан юқори фақат Конституция ва илоҳий манба — Аллоҳдир. Биз ҳуқуқшунослар ана шу муқаддас қоидаларни қатъий ҳимоя қилишга даъват этилганмиз.

Суҳбатдош: Х. БОБОЕВ.

Пойтахт ҳаёти

ИШБИЛАРМОН ДАРОМАД ҚИЛИШНИ БИЛАДИ

БОЗОР иқтисодиёти ҳам, хом ашё тақчиллиги ҳам «Фатон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулот тайёрлаш ва сотиш кўламига путур етказолмади. Харидоргир моллар — телевизор трансформаторлари, эҳтиёт қисмлари тайёрланиб, мамлакатдаги ўнлаб талабгор корхоналарга етказиб берилаяпти. Ўрнига эса хом ашё олинаётир.

Корхона ишбилармонлари радиотелефон аппаратлари тайёрлашни режалаштиришаяпти. Янги йилдан бошлаб ишлаб чиқарилаётган эҳтиёт қисмлар тури 7-8 хилга кўпаяди. Бирлашма маъмуриятининг бирлашма касаба уюшмаси маслаҳатлашиб, даромаднинг бир қисмини ишчиларни моддий ҳимоялашга сарфлашаяпти.

ШИФОКОР УЧУН МУҲИМИ — МАЛАКА

РЕСПУБЛИКА кўз касалликлари клиник шифохонаси мутахассислари Москва, Санкт-Петербург, Киев, Одесса сингари йирик шаҳарлардаги шу тоифа илмий тадқиқот илмгоҳлари, касалхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйишди. Ҳозир шу шаҳарларда бир гуруҳ ўзбекистонлик шифокорлар малака оширишаяпти. Москвадаги кўз микрохирургияси клиник илмгоҳида эса мутахассислар тайёрланмоқда.

ТАДБИРКОРЛИКНИ ХОРИЖДА ЎРГАНИШАЯПТИ

ТОШКЕНТ давлат иқтисод дорилфунунининг 15 талабаси Америка Қўшма Штатларига ўқишга жўнаб кетишди. Бундан олдин уларнинг қобилиятини, билимини, инглиз тилини қанчалик ўзлаштирганликларини АҚШлик муаллимлар имтиҳон қилишганди.

Талабалар асосан бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик билан иш юритишни ўрганадилар. Республика ҳукумати сабоқ учун 150 минг доллар ажратди.

ҲАМ ИЖОД, ҲАМ ТОМОША

РЕСПУБЛИКА болалар ижоди уйида ўсмирлар чизган суратлардан кўргазма ташкил этилди. Намойиш қилинаётган суратларда қишлоқ ҳаёти, табиатига нотўғри муносабат туфайли экология ўзгаришлари муносиб мойбўёқларда акс этган.

Маълумки, бундан бир неча йил муқаддам Тошкент АҚШнинг Сиэтл шаҳри билан биродарлашган эди. Иккала шаҳар ўртасида борди-келди, дўстлик алоқалари тобора мустаҳкамланаяпти. Ҳозир болалар уйи жамоаси ҳам Тошкент—Сиэтл фотоклубини тузишга киришдилар.

Раддия

СЎЗ ЎЙИНИ КЕРАКМИ?

Кейинги вақтларда Москвада чоп этиладиган айрим нашрлар («Известия», «Комсомольская правда» рўзномалари ва «Мегаполис-экспресс» ҳафтаномаси ва бошқалар)да жумҳуриятимиз шаънига бўлмағур гаплар айтилмоқда, мустақил республикага тўхтовсиз тош отилмоқда.

Аслидаку, бу нашрлар илгарилари ҳам бизни ардоқламаган, бошимизни силамаган, ҳамиша ўзбек халқига, Ўзбекистонга паст назар билан қараб келган. Ўзбекистонда бўлиб ўтган пашшадек воқеани, туядек кўрсатиб, халқимиз устидан мағзава ағдарган. «Ўзбеклар иши» деган фитнани ўйлаб топганлар ҳам аслида ўша — марказдаги нопок кишилар эди. Не ажабки, улар ўз ғаразларини, ғазабларини, аламларини ифодалаш учун обрўли (агар обрўли деб аташ мумкин бўлса) рўзномалардан фойдаланмоқдалар.

Ўзбекистон мустақил республика, деб эълон қилингач, журналистман деб кўкрагига уриб юрганлар, жумҳуриятимиз нашрларидан думи тугилиб, пойтахтга бориб қолган айрим нопок қаламкашларнинг пайтавасига қурт тушди, улар ўтиролмайдиган бўлиб қолдилар. Агар ўша марказий нашрларни жамулжам қилсак, битта иғвогарона гап келиб чиқади: «Ўзбекистонга мустақиллик нимага керак?», «Ўзбекистонда демократия бузилмоқда», «Ўзбекистон ҳали бунга тайёр эмас», ҳоказо ва ҳоказо. Ана сизга натижа. Ана сизга кечагина қўлингизни маҳкам қисиб «дўстим» деб юрган одамлардан чиққан гап. Уларга қолса, Ўзбекистон озод жумҳурият бўлмасин экан-да! Ўзбек халқи яна кўп йиллар марказга қарам, ҳокисор бўлиб юраверсин экан-да! Фарғона вилоятидек келадиган Болтиқбўйи жумҳуриятлари мустақиллик эълон қилиб, уларни 50 дан ортиқ мамлакатлар тан олиб турган бир пайтда бу нима деган гап?!

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов бир мақолада: «...Туркистондек, жумладан, Ўзбекистондек бой ўлкага том маънода мустақиллик беришга ғаплик қиладиган кучлар қитмирлик қилмайди, деб кафолат беришқийин...» деб ташвишланган эди. Воқеаларнинг дастлабки ривожи бу ташвишнинг ўринли эканлигини кўрсатмоқда. Негаки, Ўзбекистонга тош отиш бошланди. Бу ишни минг афсусларким, «Известия» рўзномаси бошлаб берди. Айтинг-айтинг, халқимиз сотқин матбуотнинг сотқин мухбирлари хабарларига, душман сўзларига учмасин, шунча йил алданганимиз, таланганимиз етар. Яна алданмайлик, иғвога учмайлик. Ҳозир энг муҳими бирлашиш, қўлни-қўлга бериш-дир. Озодлик деган билан мурод ҳосил бўлмайди. Ишни техника ривожию, пахта хом ашёсини қайта ишлайдиган, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилишидан, чуқур билимли ва ишбилармон мутахассисларни тайёрлашдан бошласак ўринли, деб ўйлайман. Сўнг шундай ёзиб тушунтиришимиз керакки, токим, мустақил сиёсатимизнинг асл моҳиятини дўстдушманлар яхши англаб етсинлар, бизга хайрихоҳлик билдирсинлар. Тағин сиёсий майдондаги муҳолифларимизга қарата, «Жаноблар, энди тилингизни тийинг, кўзингизни очинг, Ўзбекистонга тош отманг», деб айтмоғимиз керак. Бундан ўзга йўл йўқ. Қора мўридан чиқаётган қора тутунга жавоб шу.

Мўйдин ЙЎЛДОШ ўғли,
журналист.

Муштарий билан юзма-юз

ҲАММАСИ ЯХШИ БЎЛИБ КЕТАДИ...

Барибир, ёзмасам бўлмайди. Айниқса, «Бу гапларни газетада чиқара олмайсиз!» — деганларини. Тўғри-да, рўзномани танқид қилишади-ю, чиқариб бўлмайдими?

Бўлади! Ёзиш керак!

Узлигингни баҳолаш осонми? Албатта, бозорга солиб эмас, бошқачарок, масалан, атрофдагиларнинг фикр-мулоҳазаларига таяниб. Хўш, бетингга шартта-шартта гапирадиганлардан ҳафа бўлишга одатланиб қолган бўлсанг-чи?

Покланиш — холис танқиддан тарбия топмоқ эмасми?

Бу жамият «бетга чопарларни» камайтириб, танқидни хушламайдиган «силлиқ-сиполарни» кўпайтириб юборди... Ва ўзига шундай қилиб чоҳ қазиди. «Силлиқ-сиполар» — партократлар халқнинг ризқини, мухбирнинг мақоласини, ҳур фикрни, ўсиб келаётган қобилиятларни — хуллас, ҳамма нарсани қайчилаш билан яшаб келдилар. Кимнингки қайчиси чаққон ишласа, турмуши фаровонлашиб, мансаби баландлаб борар эди...

Ноябрь бошида Самарқанд вилоятидаги мансабдорлардан тортиб оддий ишчи-деҳқонгача суҳбатлашишимга тўғри келди. Ажабланасан киши — рақбар зоти борки, «Халқ сўзи» жуда яхши чиқяапти», деб рўзномамизни мақтайди. Оддий одамлар эса, аксинча, бетга айтганнинг зоҳри йўқ деганларидек, дилларидагини тилларига чиқариб кўя қолишди. Тўғри, мен рўзномамизнинг келгуси режалари, журъатли, халқчил, қизиқарли мавзулардаги ранг-баранг мақолалар билан уларнинг ҳурматини қозониб кетишимиз ҳақида гапирдим. Лекин ҳозир гап бунда эмас.

Мени изза қилган муштарийлардан заррача ҳафамасман. Шунинг учун ҳам бу мақолани ёзаяпман.

Пастдарғом районига борганимизда анча сўзамол бир опа мухбирлигимни эшитиб, аввалига рўзномамизни мақтаган бўлди. Ҳатто сумкачасидан обуна варақасини чиқариб кўрсатди. Охири сабри чидамади:

— Газеталаринг силлиқ бўлиб қолди, — деб юборди қўққисдан.

— Унда нега обуна бўлдингиз?

— Нима қилай, ўзим савдо ходими бўлсам ҳам депутатман. Депутатларнинг газетасига ёзилишим керак-ку? Лекин ҳамма ҳам депутат эмас. Газета деганн халқ учун чиқмайдими?

— Ҳаммаси яхши бўлиб кетади, опа!..

Менга ҳам осон тутманг. Оқдарёй районидаги ҳамкишлоқларим билан бўлган учрашувда болаликдаги Тоҳир эмас, бироз улғайган Тоҳир бўлиб вазмин ўтирдим. (Эҳтимол, танқидлардан жиддий тортгандирман). Қизғин суҳбатимиз, савол-жавобларни батафсил сўзлаб ўтириш фикридан йироқман. Аммо юрагимга ўқдек ботгани — саркаш бир окахонимнинг эътирозини айтмасам бўлмайди.

— Чегараларнинг очилиши ҳақида ёздиларингми — ёздиларинг. Референдумга қарши чиқдиларингми — чиқдиларинг. Булар яхши, айтаверсам гап кўп. Аммо-лекин, ҳозир газеталарингни ҳеч ким ўқимай қўйди. Шу гапларимни газетга чиқара оласанми — чиқара олмайсан?!— деди у чўрт кесиб.

— Ҳаммаси яхши бўлиб кетади...

Қаерга бормай, ким билан суҳбатлашмай сўзимнинг охирида мен асосан шу умидни фикрни айтдим.

Алам қилади — нега ёмон бўлди?.. Уйдаги гапни ташқарига чиқариш — одобдан эмас...

Ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Нима бу — таскинми?

Бу сўзлар елкангга зилдай масъулият юклайди. Энди шу сўзларни дилга жо қилиб, «яхши бўлиб кетиш» чораларини ижодий излаб, ғайрат қилиш керак. Йўқса...

Энди халқни уйғотадиган мавзуларда ёзиш учун аввало ўзимиздаги журъат туйғуларини уйғотиб олишимиз лозим.

У эътирозлар, самимий танқидлар — алдамайди. Мақтовлар алдаши мумкин.

Фикрларни ошкора баён қилиш — тараққиётни таъминлайди. Ғайрат — одил дашномлардан озиқланади.

Энди ғайрат билан ишга киришар эканмиз, бизга маёқ— халқнинг дарди, ташвиши. Бундан чекиниб баландпарвозликларга эрк бериш, сусткашлик қилиш, журъатсиз бўлиш эртага яна имонимизни ўққа тутади...

Биз силлиқ-сиполиқдан йироқмиз. Зеро, кўзгу хиралашади. Шунда ўзлигингни кўролмай қоласан.

Ҳаммаси яхши бўлиб кетади...

Тоҳир ДОЛИ ўғли.

Тунда туғилган шеър

ГУНОҲИ, САВОБИ, АРМОНИ БИЛАН

Эрк — қуёш, кўнгиллар қўёши,
Дил мулким нурафшон айладинг бугун.
Тўтиё, мукаррам ҳар гиёҳ, тоши —
Ёришди юрагимда бир дардли юртим.
Ёришди устида ёвлар тўйлаган
Асрга чўзилган ўлик уйқулар.
Дўстни ёт қопса ҳам тилим бойлаган —
Занги рангларимга урган туйғулар.
Ёришди руҳимни мутелик, хўрлик —
Билан банд-банд этган гулдор кишанлар.
Кўнгил кўзларимга соғиниб кўрлик —
Нокаслар кўксига илган нишонлар.
Ёришди ризқимга айёр шериклар,
Оч қорним, гунг тилим, яланғоч таним.
Имонлилар қонин сўрган «тенгликлар»,
Жонига миннатлар ботган ватаним.
Эрк, тилло рангларинг сим-сим кафтида —
Қатрадек дилимда бори ёришди,
Умид — тоғлик қизлар мисли расида,
Унинг кўксида турк ори ёришди.
Қондошлар аро минг чизиқлар тортган —
Шайтонлар кўксини доғламоқ керак,
Ишончлар, дилларни боғламоқ керак.
Тўкилган дурлардек сочилиб ётган
Жонимга тиш босиб ҳаёт берганим —
Бир парча этни ҳам сизлайман энди.
Кетса ҳам юзда беармон деганим —
Ортидан қирқ кунлаб бўзлайман энди.
Дарвозамдан кирсин ҳарки мусофир —
Қўлини, дилини, изини поклаб.
Халқимга тиласа ким тақдир — басир
Илоё, кўзига тўлсин-да хоклар!
Ҳақсизлик қақшатган шу халқдир — маним,
Гуноҳи, савоби, армони билан.
Иймони — ғурурим, қусури — камим,
Манимдир яхшиси, ёмони билан.
«Одилов қайтадир Ўзбекистонга...»
Бу кеча қорасин ёшларим ювди.
Эрк буюк ғояни парчинлар жонга:
Қудратли халқ учун яктанлик туғдир.

Муҳтарама УЛУҒ қизи.

«ТОЙОТА» ТОШКЕНТДА ТУЗАТИЛАДИ

ЯПОНИЯНИНГ «Тойота мотор корпорейшн» корхонаси жаҳондаги 145 мамлакатга автомобиль, эҳтиёт қисмлар сотаяпти. Ана шу давлатларнинг деярли барчасида япон автомобилларини таъмирлаш-созлаш устахоналари ишлаб турибди. Яқинда корхона раҳбарлари, мутахассислари республика пойтахтига келишди. Тошкентда «Тойота» — «Сунита корпорейшн» — «Узинавтосервис» қўшма корхонаси тузилди. Бунгача бир гуруҳ ёшлар япон автокорхонасида ишлаб хорижий машиналарни созлаш сирларини ўрганишганди. Ҳозир қўшма корхонанинг Тошкент станциясида кунига 10—15 тагача «Тойота» автомобилларига хизмат кўрсатилаяпти.

И. ТОШЕВ.

Сталинча қирғину қувғиндан корейс миллати ҳам жабр чеккан эди. Ва ниҳоят, демократиянинг покиза эпкини ўзга элу элатлар қатори бу миллатнинг ҳам қадрини, қадрини тиклашга имкон берди. Масалан, Тошкент шаҳридаги 557-болалар боғчасида 20 нафар корейс болалари ўз она тилларида сабоқ олиб тарбияланмоқдалар.

СУРАТДА: моҳир тарбиячи Марианна Магай болаларга корейс тилида машғулот ўтказмоқда.

С. ВЕЛИЧКИН олган сурат. (ЎзТАГ).

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

ТЕАТРНИНГ МАНГУ МАКОНИ

Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек давлат академик драма театри Тошкентнинг қаерида бўлиши керак? Масала чиндан ҳам муҳим ва етти ўлчаб бир кесишни талаб этади. Ўзбек халқи тарихини кўздан кечирар эканмиз, буюк иншоотларни қаерга қуриш олдиндан атрофлича ва чуқур муҳокама қилинган, эл фикрига қулоқ солинган. Бунга юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Мирзо Улуғбек қадим уч ўзбек шаҳри — Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда мадрасалар қурдиришга фармони олий бергунга қадар, ёки бўлмаса Самарқандда уч ошиёнли расадхона бунёд этгунича бу олий иморатлар ўша шаҳарларнинг қайси ерларида бунёд этилиши борасида олиму фузалолар билан кўп маслаҳатлашган.

Самарқанд ҳокими, ҳарбий билимларнинг кучли билимдони — атоқли саркарда, айни пайтда буюк қурувчи Ялангтўшбек баҳодир ўзининг иккита мадрасасини (Шердор ва Тиллакори деб аталади ҳозир) Улуғбек мадрасасининг қаршисида ва шимолида бунёд этиб, улуғвор майдон яратиши ҳам халқимизнинг етти ўлчаб бир кесиш керак, деган нақлига амал қилинишининг бир кўринишидир.

Ёки бўлмаса Алишер Навоийнинг Ҳиротда бунёд этган меъморий ансамблини, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Кобилда қурдирган «Бобур боғи»ни ва ҳоказоларни мисол қилиб келтириш мумкин. Булардан кўриниб турибдики, буюк маданият, адабиёт ва санъат қошоналари шаҳарнинг маъмурий марказида, шаҳарнинг бош майдонида ёки унга туташ ёҳуд яқин ерда қурилиши ўзбек меъморчилиги учун анъанадир. Ҳамза номидаги театрнинг мангу ўрнини абадий тайин қилишда ҳам ана шу халқ анъанасига асосланишимиз керак. Ўзбек маданиятининг фахри бўлмиш бу театрнинг мангу ўрни Ўзбекистоннинг пойтахти бўлмиш Тошкентнинг бош майдони — Мустақиллик майдонига туташ ва яқин ерда бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз, яъни Навоий кўчасининг Мустақиллик майдонига ёндош ерида қурилаётган янги бинога Ҳамза номидаги театр кўчиб ўтиши керак. Қадимдан бу ер Ўрда деб аталиб, шаҳарнинг маъмурий маркази ҳисобланган. Эндиликда эса пойтахтимизнинг шоҳсупасидир. Бундай эъзозли жойда миллий маданиятимизнинг фахри бўлмиш театрига қонунан ҳақлидир. Шунингдек бу ерда томошабинлар учун барча шароитлар муҳайё: троллейбуслар, трамвайлар, автобуслар қатнайди, метронинг Мустақиллик майдони бекати яқин.

Ҳамза номидаги театрнинг бу ерда бўлиши Тошкент шаҳрининг ҳозирги кенг ҳудудини ҳам албатта инобатга олади. Шаҳарнинг ғарбий тарафида — Бирлик, Октябрь мавзеларида яшовчи мухлислар билан бирга шаҳарнинг шимолий, шарқий, жанубий ёқлари, Юнусобод, Қорасув, Қўйлиқ, Чилонзор ёқларида турувчи томошабинларни ҳам унутмаслик керак.

Ҳамза номидаги театр учун Тошкентнинг Мустақиллик майдонидан олис бошқа бирор ерни танлаш узоқни кўра билмасликдан бошқа нарса эмас. Бунда шу бугуннигина ўйламайлик, балки келажак асрларни ва авлодларимизни унутмайлик.

Театр маънавий жиҳатдан ҳам шаҳар марказидан ўрин олишга сазовордир: унинг жамоаси кўпмиллатли барча шўро театрлари даврасида энг биринчилардан бўлиб Ленин нишонига сазовор бўлган. Бу тарихий воқеа 1937 йили юз берган. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, бутун Шўро Шарқи ижодий жамоалари орасида биринчи бўлиб унга академик унвони берилган. Бу қувончли воқеа 1933 йили содир бўлган. Чиндан ҳам булар фахрланса арзийдиган далиллардир. Ҳамза номидаги театр ҳақида сўз кетганда қардошларимиз уни «Истеъдод академияси» дейдилар.

Дарвоқе, деярли барча иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳам академик драма театрлари пойтахтларининг қоқ марказларида бунёд этилган. Зотан, театр миллий маданият кўзгуси ва мезонидир.

Театр санъатининг, айниқса драма театрининг инсонни камолотга етказишда, уни маънавий тарбиялашда аҳамияти нақадар кучли эканини таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Умумжаҳон ва ўзбек маданияти ютуқларини халққа етказишда Ҳамза номидаги театрнинг ўрни беқиёс. Октябрь инқилобининг тенглик, ҳурлик, инсонпарварлик ғояларини бутун Туркистонга тарғиб этишда бу театрнинг етакчилик қилганини эслаб ўтиш жоиздир. Театр арбобларимизнинг тўғриғ бўғини тамал тошини қўйган бу қутлуғ маскан халқларимизни Шекспир, Шиллер, Мольер, Гоголь, Островский, Лев Толстой, Максим Горький классик асарлари билан тарбиялади, уларга эстетик завқ бағишлади. Ўзбек классиклари бўлмиш Абдулла Авлоний, Ҳамза, Чўлпон, Фитрат ва бошқаларнинг ижодий камолотида ва айни пайтда булар каби адабиёту санъат аҳлининг мазкур театр камолотида тутган ўрнини эслатиб ўтиш керак. Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Тошхўжа Хўжаев каби санъаткорларимиз ўзбек театри режиссурасини юқори босқичга олиб чиқдилар. Аброр Ҳидоятов, Олим Хўжаев, Шукур Бурхонов, Қудрат Ҳўжаев, Обид Жалилов, Амин Турдиев, Миршоҳид Мироқиловларнинг ҳар бири ўзига хос бир олам эдилар. Бугунги кунда ўз устозлари ва сафдошлари фаолиятини қизғин давом эттираётган Саъдихон Табибуллаев, Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Зикир Муҳаммаджонов, Ёқуб Аҳмедов, Турғун Азизов, Тўлқин Тожиев ва бошқалар билан фахрланамиз.

Ўзбек саҳна шекспирномаси аввало ана шу театрда яратилди. Буюк тарихий вазифаларни амалга ошириб келаётган ижод маскани, афсуслар бўлсинким, етарли ардоқланмоқда, деб бўлмайди. «Ватан» кинотеатри ўрнида унга қайта тиклаб берилган бино Шарқда санъат маёғи бўлиб келган академик театримиз обрўйи, талаби ва эҳтиёжи даражасида эмас, ҳатто театр залида ҳар қандай театрларда бўладиган ложалари ҳам йўқ. Шунинг учун ҳам академик театримиз Мустақиллик майдони олдида қурилган янги бинога кўчиб ўтса, театр жамоасига, томошабинларга кўрсатилган ҳурмат белгиси бўлади, бу ҳол театрга тамал тошини қўйган буюк санъаткорларимиз руҳини шод этади.

Дарвоқе, яқинда театрда бўлган суҳбатда Тошкент меъморлари бу бино қурила боштаганда «Фалончи театр учун» деган гап бўлмаганини, бино битгач уни қайси жамоага бериш масаласини раҳбарият ҳал этади дейилганини таъкидлаб ўтдилар. Лекин сира кутилмаганда янги бино «Наврўз» номи билан аталиб, турли жамоаларга берилажаги ҳақидаги қарор эълон қилиниб қолди. Бундан маданий жамоатчиликнинг аксарият қисми ва кўпмиллионли томошабинлар ҳайратга тушаётганликларига шоҳидмиз. Ахир Тошкентдаги В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройидан айни шу мақсадда, яъни турли ижодий жамоалар бемалол фойдаланиб келмоқдалар, ўқтин-ўқтин эса бу улкан сарой бўш ётган ҳоллар учрамоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ҳамза номидаги театр ўз мавқеига муносиб бўлмаган бинода иш кўраётган, Абдулла Қаҳҳор номидаги жумҳурият сатира театри бошпанасиз «кўчманчилик» қилиб юрган, Йўлдош Охунбобоев номидаги жумҳурият ёш томошабинлар театри зах ертўлада келажагимиз бўлмиш фарзандларимизга «хизмат кўрсатаётган», жумҳуриятимиздаги кўпгина театрлар биносиз ёки номуносиб маконларда ишлаётган бир пайтда Тошкентда яна бир бинонинг худди Халқлар дўстлиги саройидек умумий қилиб қўйилишига қўшилолмаймиз. Аввало ўзимизга эн бўлайлик-да, кейин ўзгаларга енг бўлайлик. Театр биноларига танқислик кучли бир пайтда икки бинонинг, бунинг устига Ўзбекистон жумҳуриятининг пойтахти бўлмиш Тошкентнинг асосий, марказий ва энг йирик икки санъат кошонасининг умумий, якка эгасиз қилиб қўйилиши тўғри эмас, деб ҳисоблаймиз. Ҳозирча биттаси умумий қилиб қўйилгани ҳам етади. Иккинчиси, яъни янги бино Ҳамза номидаги театрга берилиши керак, деган фикримизни қатъий туриб охиригача ҳимоя қилаверамиз. Бу талабимизни ер юзидаги 30 миллиондан ортиқ бутун ўзбек халқи ҳам, уни қадрлайдиган бошқа халқлар ҳам ёқлашларига ишонамиз.

Билиб билмай, ёки бўлмаса масала моҳиятини юзаки тушунган айрим кишилар бу фикрга зид боришларини сезиб турибмиз. Лекин турли бўҳтону иғволар туфайли кўп жафо чеккан, ориятли, қадр-қиммати оёқ ости қилинган ўзбек халқи ўз пешона тери билан ўз пойтахтида қурган театр биносидан ҳам ўз ҳоҳишига кўра фойдалана олиш имконитидан маҳрум этилмасинки, бу яхши ниятларга олиб бормайди.

Янги бинога «Наврўз» деган ном шошма-шошарлик билан берилганини айтишимиз жоиздир. У «Турон» ёки «Ўрда» деб аталса, тарихан асосли бўлади. Бутун Туркистон мамлакатида очилган биринчи миллий театрнинг номи «Турон»дир. «Ўрда» деган номга келсак, Тошкентда даврма-давр бешта Ўрда бўлган, бешинчиси янги театр биноси жойлашган ерда эди. Ном беришда маданиятли халқлар қўллайдиган усул тарихни унутмаслик ва абадийлаштиришдир. Ном бериш ҳам санъат, берилган ном ушбу иншоот аввало қайси бир халққа тегишли эканини ифодалаши шарт. Ном яқин келажакда тарих бўлғусидир. Қиссадан ҳисса шуки, Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек давлат академик драма театри пойгакка тушиб кетмаслиги, марказда бўлиши керак, шунда у халқ олдидаги тарихий хизматлари, мавқеи ва порлоқ истиқболи даражасида эъзозланган бўлади, муҳими, ҳозирги ва келажак томошабинлар учун қулайлик яратилади. Бу фикрга ушбу театрнинг асосий ижодий жамоаси ҳам, бутун жамоатчилик ҳам қўшилишига аминмиз.

Кези келганда эслатиб ўтиш керакки, кўп вақтлардан бери Абай кўчасида янги театр биноси қурилармиш, деган гаплар юради, лекин бу ҳали хом гапдир. Агар рост бўлса, 1991 йилдан бошланган режалардан албатта ўрин олган бўларди. Ваҳоланки, режаларда бу ҳақда лом-лим ҳам дейилмаган. Мабодо шу асрдами ёки XXI асрдами Абай кўчасида янги театр биноси қурилса, нур устига нурдир. Қурилажак бино Абдулла Қаҳҳор номидаги жумҳурият сатира театрига ёки Охунбобоев номидаги жумҳурият ўзбек ёш томошабинлар театрига берилиши мумкин ва лозим.

Сўнгги ўн беш-йигирма йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, янги бинони бунёд этиб, уни ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш учун ижодий жамоа фаолияти бошлангунча, яъни олдиндан директор тайинлаш даркор экан. Фикримнинг исботи учун иккита мисол келтираман. Тошкент давлат циркининг янги биноси қурилиши ҳаделганда битавермай чўзилиб ётаверганида бу аҳволдан қутулиш учун суяги санъатда қотган маданият ташкилотчиларидан бўлмиш Искандар Мусабеков олдиндан директор қилиб тайинланди. У елиб-югуриб-да, цирк биноси ишга тушиб кета қолди.

Ёки бўлмаса, собиқ «Ёш гвардия» театри биносини қайта таъмирлаш ишлари юришмай қолганда, театрга эпчил ташкилотчилардан Абдумавлон Хўжаев директор қилиб тайинланди ва кўзланган мақсадга эришилди — ижодий жамоа муносиб масканга эга бўлди. Демак, янги театр биноси қурилишини тезлаштириб юбориш учун унга И. Мусабеков, А. Хўжаев сингари ишнинг кўзини биладиган, қурувчилар билан умумий тил топиша оладиган маданият ташкилотчиларидан бирини директор қилиб тайинлаш, унинг зиммасига бутун масъулиятни юклаш ва айни пайтда унга тўла ваколат бериш ҳам зарур.

Янги театр биноси тез битса ва ишга тушиб кетса, мустақил Ўзбекистон Республикасининг шоҳсупаси — Мустақиллик майдони кўркига кўрк қўшиларди. Бу бинода муҳим тарихий халқаро анжуманлар ўтиши турган гап. Шу сабаблн уни қуриб битказишни Олий Кенгашимиз ёки бошқа бирор обрўли ва таъсирли ташкилот ўз оталиғига олар, бирор жамғарма очилар, санъат мухлислари ва умуман, санъатсевар барча фуқаро ўз ҳиссасини қўшар. Булар жумқаро ўз ҳиссасини қўшар. Булар жумҳурият жамоатчилиги эътиборига ҳаволадир.

Яқинда мен Мустақиллик майдонимизга жанубий томондан кириб келиб, шимол тарафга қараб юра бердим. Қаршимда салобатли бир бино бўй чўза берди. Бу янги театр биноси эди. Назаримда пештоқида «Ўрда театри» деган ёғду-лавҳа бордек туюлиб кетди. Зеро, хаёлнинг рўёбга айланиши сизу бизларга, ватанпарварлигимизга боғлиқдир.

Эндиликда маданият соҳасига эскича, то ҳанузгача бўлиб келаётган тарзда раҳбарлик қилиш ярамайди. Театр биноси ўн йиллардан бери битмай ётсаю, мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари ҳар куни унинг ёнидан лоқайд ўтиб кетаверсалар, ахир буни инсофдан, диёнатдан деб бўладими. Юраги туз сепгандек ачишмайдиган кишилар санъатга бошчилик қилишлари адолатданми? Маданият ва фан соҳаларига раҳбарликни қайта қурмаса бўлмай қолди. Балки Президент девони ёки Олий Кенгаш ҳузурида миллий тараққиёт комитети ё вазирлигими тузилиши лозимдир, токи миллий ривожсиз миллий мустақилликни тўла ўрнатиб бўлмаслигини унутмайлик.

Ажаб савдолар

ФАОЛ ДЕБ МАҚТАЛГАН МАРҲУМ

— Алло, ассалому алайкум. Менга Тоҳиржон ака Қосимов керак эдилар, мумкинмикин телефонга?

Охирги саволимга жавобан ҳеч бир садо чиқмагач, чақиришга кетдилар шекилли, деб ўйлагандим. Бироқ яна ўша товуш, бироз бўғиқ овоздан эшитилди.

— Ким-у сўраётган?

— Газетаданман.

— Қазо қилганларига саккиз ой бўлди-ю...

— Узур бил-маб-ман, шошиб...

Оғир хўрсиниб трубкани жойига қўйдим-да, ёнимда ўтирган етакчи мутахассис Рустам Азимовга юзландим:

— Лилия Николаевна саккиз ой бурун вафот этган одамни менга тавсия этибди. Ишхонага телефон қилсам, ҳеч ким олмади, кейин уйига... рафиқаси билан гаплашдим шекилли.

— Яраларини яна янгилабсиз-да?

— Ҳмм, яхши бўлмади. Начора, сўнгги пушаймондан ёмони йўқ. Наҳотки Л. Мамедова Тошкент шаҳар советининг ташкилий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари бўла туриб бундан бехабар?!

— Ҳа энди адашганми, ё...

Қайта туриб яна Л. Мамедовага учрашдим.

— Жуда ноқулай аҳволда қолдирдингиз-у. Сиз тавсия этган одам...

— Ҳеч киси йўқ, бунақаси бўлиб туради. — деди совуққонлик билан. Бошқа яхшироғини кўрамиз.

Шу воқеадан сўнг бир неча кун ўзимга келолмай юрдим. Хаёлимга гоҳ марҳум оиласидагиларнинг хаста қалбларига оғриқ солганн келса, гоҳ Л. Мамедованинг пинагини бузмай гап юритишн келарди. Аслида ундан қайсидир депутатни тавсия этишни сўрамаган эдим. Олинган наказларга қараб ким билан қизиқроқ суҳбат уюштириш мумкинлигини танламоқчи эканлигимни айтгандим. Л. Мамедова бўлса «Қайси депутатнинг қандай фаолият кўрсатаётганини бизгина аниқ айта олишимиз мумкин», деган фикрида қатъий туриб олди. Шу тарзда бирини у кўрсатиши ва бошқа бирини ўзим танлашга келишдик. Ҳозирги куннинг энг фаолларидан деб бир йўла икки депутат тўғрисида маълумот берди.

Ўйлай-ўйлай марҳум депутатнинг уйига боришга қарор қилдим.

Марҳумнинг умр йўлдошлари Маъсуда опа ва ўғиллари Равшанжон ака билан анча суҳбатлашдик.

Тоҳиржон ака 20 йилдан кўпроқ маҳалла комитетига раислик қилган. 20 йил халқ хўжалиги институтининг молиявий-иқтисодий факультетида деканлик вазифасида ишлаган. Ишда талабаларнинг, уйда маҳалладагиларнинг эҳтиёжини қондириш, уларга қандайдир қулайликлар яратиш, кўмаклашиш ташвишида яшаган. Шунингдек кейинги вақтларда шаҳар советининг депутати сифатида идорама-идора юриб сайловчиларнинг илтимосини қондириш илинжида бўлган. Наказларни ўз вақтида бажаришга интилган.

— Кўнгилларини кенг тутиб, бамайлиҳотир ўтирганларини эслолмайман, — дея гап бошлайди Маъсума опа. — Доимо кимнингдир қандайдир иши тўғрисида бош қотирардилар. Тўй, маъракаларни-ку қўяверинг, ҳатто кимнингдир оиласида бирор жанжал, тушунмовчилик, янглишмовчиликлар бўлса ҳам ҳар қандай муҳим ишини ташлаб, мурожаат этганларга эргашиб бораверардилар. Шунча ташвиш камлик қилганидек 68 ёшларида депутат бўлишларининг нима ҳожати бор эди ўзи. «Ҳеч бўлмаганда, кексайганда ўз ҳаловатингизни ўйласангиз-чи, тинч юрсангиз-чи», дея қанчалик тергамайлик натижаси бўлмади. «Ахир мен ҳам нима қилай, одамларнинг гапини ерда қолдириш яхши эмас. Ўзимга қолса-ку, жон деб воз кечардим», — дердилар. Биз ҳам тушунамиз. Икки кунлик дунёда одамзоддан яхшилик қолади. Лекин, ўшандай югура-югурлардан асабийлашиб келиб бир неча кунгача қисилиб юришларини кўриб эзилардик. Ҳатто ўлимидан бир кун олдин шаҳар совети сессиясига бориб қатиқ асабийлашиб қайтдилар. Туни билан ухламай чиқдилар. Эрталаб эса олаётган соқоллари ҳам чала қолди... «Тез ёрдам» етиб келганида кеч бўлганди... Фотиҳага келган депутатлар ҳам кечагина бирга эдик, Тоҳиржон ака сессияда бир неча бор сўз олиб, баҳслашиб, тортишиб тургандилар. Жуда тетик эдилар, гапларини қойиллатгандилар. Бугун эса... Тақдир экан-да, дейишганди.

Албатта, кўпчилик депутатлар фотиҳага боришган. Лекин Тоҳиржон аканинг оиласидан ҳол-аҳвол сўраб, кўнгил учн шаҳар советидан ҳеч ким йўқламаган.

— Э-э болам-а, ҳозир ҳамма ўзидан ортмайдиган замон. Депутатларнинг ишу ташвиши қанчалик кўп бўлишини ўзим яхши биламан. Яқин атрофдагилари келибкетиб туришибди, — дейди Маъсуда опа. Кўпни кўрган, оқила аёлда, нолишни ўзига эп кўрмайди, деб қўяман ичимда.

Бу воқеа тафсилотини ёзиш ниятим йўқ эди. Мавриди келиб ҳамкасбларимга айтганимда айнан шундай ҳоллар қайта такрорланмаслиги, одамларда йўқолиб бораётган меҳр-оқибатни асраш учун, советлар ишидаги лоқайдсизликларга чек қўйиш учун ҳам ёзишим шартлигини айтишди. Мен ҳам, қандай бўлса, шундайлигича қоғозга туширдим.

Абдураҳим ХАЛИЛ ўғли, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Телекўрсатув ва радиоэшиттириш давлат комитети жамоаси республика радиосининг ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар бош таҳририятининг катта муҳаррири А. Сайдалиевга волидан муҳтарамаси

Адолат ХУДОЙНАЗАРОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади, бу оғир жудоликни енгишда унга ирода, сабр-қаноат тилайди.

БИЗАМ ЎҚИГАНЛАРДАН

Хув газит чиқарайтурғон болалар!

Биз ҳам турли газит, жўрнал ўқип турамиз, у ёқ бу ёққа ёзамиз ҳам.

Кеча Ташкентти катта газитини ўқидик. Қандайдир муллавачча бизди тилимизга кўп йанги сўзлардан қўштим, депти. «Пан ва турмиш» жўрнали қайси бир ученийни хатини чиқарипти. Жон-поним чиқиб кетти —маҳатиш ҳам эвида-да. Нима бизди кам жойимиз борми? Ўшаларда бор диплом биздаям бор, бирамас эккита. Қолаврса каттаакон мактабга дириктирмиз. Мактабда бир ҳашар қисак, керак бўса юз минг йанги теша тугул болтаям тегмаган сўзлардан топиб ўзбек тилига кўшворамиз. Борда, қўлдан келади.

Мана, ўричча, сўзлардан бешолтитасини ўзимизди тилга тўнкариб силарга жўнатяпман. Силоварданам, пойдалардим. Ишонмаганларинг кеп кўрсин, абетта кўйа бўламан.

Ҳа, айтгандай, биздайларники турганда ҳар тулли одамлардикини чиқариб журманглар. Кутиб турсаларинг яна жўнатаман (петсоветдан бўшасам).

Ҳей, болалар, ҳалиги генералини ўзларинг олувринглар, кўшним журналист, биламан ҳолларингни. Бизди ном газитта чиқса бўлди, буям обрў-да! Тилди тоза йашхи билади, деп ёзинглар. Некин гапти ўғил боласи бир нўқтасиям қомасин, қисқартирманглар, хапа бўламан.

1. Институт — пулдан қанот боғлаб учадиган дарғоқ (малимликка жиян-пиянлардан бўса гаплашворамиз, ўн уч қишу ёз тупроғини ялаганмиз).

2. Иподиром — биринчи бўлиб бозор иқтисодига ўтган жой (бўганмиз, кўрганмиз).

3. Зал — мактаб қоровулхонаси — петсоветдан сўнг йиғиладиган жой...

4. Челак — а) шаҳар номи,

б) мактаб қўнғироғи,

в) мас бўлган маҳал рўпарада турадиган идиш.

5. Индустрия — а) расмий сўз,

б) қоровулимизнинг янги лақаби.

6. Интилигент — маданий киши, яъни камина (экки дипломли биз бўлмай, ким бўсин).

Қолгани кейинги сафар деб,

99-мактаб дириктири адабиятчи, пизик малим...

К. СИНДОРОВ.

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй

Телефонлар: 32-09-87, 33-07-48. Индекс: 64608.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 23.00.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12